

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ**

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ**

**ҚЎЧҚОРОВ ОРИФ АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**“ИЖТИМОЙ СУҒУРТАГА АЖРАТМАЛАР ВА  
УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИ ҲАМДА АУДИТИ”**

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)”  
бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун  
ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**к.ўқ. М.Хайитбоев**

**ТОШКЕНТ – 2016**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I-боб. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий асослари</b>	
1.1. Ижтимоий суғурта тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва назарий асослари.....	7
1.2. Ижтимоий суғурта билан ҳисоблашувлар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий асослари.....	16
<b>II-боб. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисобини амалдаги ҳолати</b>	
2.1. Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма (бадал)лари ҳисоби...	28
2.2. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари тўлдириш.....	45
<b>III-боб. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар аудити</b>	
3.1. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар аудитини ўтказиш тартиби.....	58
3.2. Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш.....	66
<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>74</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>76</b>
<b>Иловалар</b>	

## Кириш

### **Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги.**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омилларидан тадбиркорона фойдаланган ҳолда, бир томондан халқ фаровонлигини ошириш, иккинчи томондан эса давлатимиз ўз зиммасига олган ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш ва бошқа республика миқёсидаги ислоҳотлар шиддат билан амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби мазмунан ва моҳият жиҳатдан эркин иқтисодиётга мослаб яратилмоқда. Хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари қабул қилиниб, амалда жорий этилмоқда. Натижада бухгалтерия ҳисобини ва аудиторлик назоратини ташкил этишни халқаро талаблар даражасида ташкил этиш имкониятлари яратилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш натижаси ўлароқ кейинги йилларда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда макроиқтисодий тартибга солиш тизимининг муҳим воситаларидан бири бўлган давлат бюджетининг аҳамияти ғоят юксакдир. Амалга оширилган бюджет – солиқ сиёсати биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб – қувватлашнинг муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудити амалдаги модели олдига қўйилган энг асосий вазифа иқтисодиёт субъектлари фаолиятларини самарали амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ўсишлари замирида бюджет даромадларини

шакллантириш механизми фаолиятини мукаммаллаштиришга қаратилганлиги эътиборга моликдир. Бу жараён Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудитини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан мунтазам равишда такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқарди.

Ушбу йўналиш юзасидан Президентимиз И.А.Каримов ҳам ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, «Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди»<sup>1</sup>.

Аҳоли ижтимоий ҳимоялашни, аҳолини кам таъминланган қисмини қўшимча маблағ билан таъминлаш ва бошқа давлатнинг муҳим соҳаларини бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалардан тушган маблағлар эвазига молиялаштириш каби масалаларни ислоҳ қилиш ҳам жаҳонда «Ўзбек модели» деб аталмиш мазкур модел асосида, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий беш тамойилининг бири «Кучли ижтимоий сиёсат» тамойилига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тўловчилар томонидан ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудити тўғри ташкил қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади, нимагаки, тўғри ҳисоб юритилиши ва ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги билан солиқ тўловчилар мамлакатимиз иқтисодиётининг янада равнақ топишида ҳамда давлат олдидаги мажбуриятларидан бирининг бажарганлигини таъминлаб беради. Ижтимоий суғуртага

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир”. 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 17 январь 2015 й, №11 (6194).

ажратмалар ва ушланмаларнинг тўғри ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектларни ортиқча харажатлардан сақлайди ҳамда уларнинг келгусида самарали фаолият юритишининг гарови бўлиб хизмат қилади.

**Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий ишимизнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудитини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга кўра қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ижтимоий суғурта тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва назарий асослари ўрганиш;

- Ижтимоий суғурта билан ҳисоблашувлар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий асослари;

- Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма (бадал)лари ҳисоби ўрганиш;

- ЯИТ ва фуқароларнинг суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шаклларини тўлдириш тартибини баён қилиш;

- Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар аудитини ўтказиш тартиби, аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришни кўриб чиқиш.

**Битирув малакавий ишнинг предмети ва объекти.** Битирув малакавий ишнинг предмети мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудити билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш бўлса, унинг объекти – “PROTECTIVE CLOTHING” МЧЖ ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий асослари.** Битирув малакавий ишнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикасининг корхоналар фаолиятини тартибга солувчи Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва

бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ҳамда кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, иқтисодчи олимларнинг шу соҳага оид илмий ишлари, хўжалик корхоналарининг статистик маълумотлари, илмий-тадқиқот институтларининг тавсияларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти унинг асосий натижаларини бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларини ўқитишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Тайёрланган битирув малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## **I-боб. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий асослари**

### **1.1. Ижтимоий суғурта тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва назарий асослари**

Ҳар бир мамлакат ўзининг ички сиёсатини амалга оширишда маълум бир тизим тармоқларини ишлаб чиқади. Бу борада солиқ тизими ҳам жуда юқори поғонани эгаллайди. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йиллариданоқ демократик ва умуминсоний тамойилларга асосланган, ҳамма учун тенг кучли солиқ тизими барпо этилди ва ушбу тизим йилдан-йилга тобора такомиллашиб бормоқда.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади. Бу таъриф солиқ тизимини кенг маънода тушунишдир. Солиқ қонунчилигида солиқ тизими тор маънода талқин қилиниб, бир хил моҳиятга эга бўлган ва марказлашган пул фондидини ташкил этадиган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизими деб аталади. Солиқ тизимига нисбатан бундай ёндашувни айрим адабиётларда ҳам келтирилганлигини таъкидлаш ўринли. Қайд этилган таърифда солиқ ва йиғимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади ҳамда бу Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси мазмунига мос келишини кўришимиз мумкин: “Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий суғурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқалар) тўловларни ҳам мажбурийлик нуқтаи назардан солиқ тизимига киритиш муаммоси мавжуд”<sup>2</sup>.

Ижтимоий суғурта аҳолини турли хавф-хатарлардан ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланада, яъни ишдан кетиш, меҳнатга лаёқатлилиқни,

---

<sup>2</sup> Яхёев К. «Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти». Тошкент. «Ғафур Фулом» 2000. й. 31 бет.

даромадни йўқотиш каби хавф-хатарлар йиғиндиси ҳисобланади. Ижтимоий суғуртанинг муҳим жиҳати шундаки, у иш берувчи ва ишчиларнинг мақсадли бадаллари асосида шаклланган махсус бюджетдан ташқари мақсади жамғармалар томонидан молиялаштирилади. Ижтимоий суғурта тенгсизлик қоидаси асосида тузилган: суғурта тўлови меҳнат улуши ҳамда суғурта муддати билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий суғурта фондларининг муҳим характери ҳамда иш берувчи ва ишчиларнинг бирдамлик қоидаси уларни бошқаришнинг ўз хос хусусиятини белгилаб беради. Бу фондлар ўзини-ўзи бошқариш ва нотижорат хўжалик юритиш қоидаси асосида ишлайди.

Меҳнатга лаёқатлилиги ва даромадни йўқотишга олиб келадиган ижтимоий хавф-хатарларига қуйидагилар киради: касаллик, ишлаб чиқаришдаги жароҳат, касбий касаллик, бахтсиз ходиса, оналик ва болалик, ишсизлик, қариллик, боқувчисини йўқотиш.

Жамият ривожланиши билан ижтимоий суғуртанинг ўрни ва роли сезилари ошиб боради, бунга аҳолининг мажбурий ижтимоий суғурталаганлик даражасининг ошиши, ижтимоий суғурта дастурларининг кенгайиши, тўланадиган пенсия, нафақалар хажмининг ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ўсиши, уларнинг қиймати ва аҳоли реал даромадларининг ошиши сабаб бўлади.

Ижтимоий-сиёсий нуқтаий-назардан қараганда, ижтимоий суғурта фуқароларнинг қариллик, касаллик ҳолатлари, оналик, меҳнат қобилятининг тўлиқ ёки қисман йўқотиши, боқувчисини йўқотиш, ишсизлик каби ҳолатларда моддий таъминот олишга конституцион ҳуқуқи борлигини кўрсатади. Тўланадиган маблағ миқдори меҳнат стажи, ойлик иш ҳақи, меҳнат қобилятини йўқотганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва амалдаги қонунчиликка асосланади.

Ижтимоий суғуртанинг энг муҳим иқтисодий функцияси шундаки, у меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарур шароитларини



яратади, шу билан бирга ижтимоий соҳада давлат сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунингдек, ижтимоий суғурта тизими жамиятда ижтимоий ҳаққонийликни таъминлаш, сиёсий бирдамликни яратиш ва уни сақлаб қолишнинг дастлабки шартларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий суғуртанинг ёрдами билан жамият қуйидаги вазифаларни бажаради:

-ишга лаёқатсиз ва меҳнат жараёнида иштирок этмайдиган шахсларнинг харажатларини қоплашга қаратилган пуллик фондларни шакллантириш;

-меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг тузилма ва зарур миқдорини таъминлаш;

-жамиятнинг ишловчи ва ишсиз аъзоларини моддий таъминлашдаги узилишларни камайтириш;

-аҳолининг меҳнат жараёнига жалб этилмаган гуруҳларининг яшаш даражасини кўтаришга эришиш.

Ижтимоий суғурта тизими икки қисмдан иборат:

- биринчиси, ишчиларнинг соғломлаштириш ва қайта тайёрлаш тадбирларини ўтказган ҳолда меҳнат қобилиятини қайта тиклаш ва уни сақлашни таъминлаш;

- иккинчиси, меҳнат қобилиятини йўқотганларга ёки унга умуман эга бўлмаганларга моддий таъминотни кафолатлаш.

Ижтимоий суғурта тизимини моддий асосини унга мувофиқ келувчи фондлар ташкил этади.

Суғурталанган ишчиларнинг бадаллари уларнинг даромадидан олиб қолинади. Аслида бу мақсадли даромад солиғи. Суғурта бадали ставкаси ялпи иш ҳақида нисбатан фоизларда аниқланади ва кўп ҳолда даромаднинг катталигига боғлиқ бўлмайди.

Давлат субсидиялари ўз ичига ишламайдиган фуқаролар ҳарбий хизматчилар давлат хизматчилари учун мажбурий ижтимоий суғурта фондларига бадалларни (датация) камомадни қобловчи датациялар ва

солиқ имтиёзларни олади.

Мажбурий ижтимоий суғурта маблағлари пул тўловлари ижтимоий хизматларни молиялаштириш имтиёзли ёрдам кўринишида ишлатилади.

Ижтимоий иқтисодий маънода ресурслар хажми жиҳатидан биринчи ўринда пул тўловлари туради. Уларнинг пенсия, нафақалар кўринишида намоён бўлади.

Ижтимоий суғурта тизимида солиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари хизматлари, санатория ва курорт ташкилотининг меҳнат қобилиятини тиклаш бўйича хизматлари соғломлаштириш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши ўқув муассасалари ва бошқа молиялаштирилади.

Имтиёзли ёрдамни ўзига хос хусусиятлари шундаки унинг мақсад ва вазифалари маълум бир моддий бойлик хизматлари эга бўлиши билан боғлиқ.

Пенсиялар ёшига, ногиронликка, боқувчисини йўқотганликка, белгили хизмат муддатини ўтаганликка қараб белгиланган, шунингдек, ижтимоий пенсиялар ҳам мавжуд.

Нафақалари вақтинчалик ишга қобилсизлик, ҳомиладаорлик ва туғруқ бўйича, болаларга ишсизларга, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш учун тайинланади.

Тўловлар ва хизматлар мақсад ва вазифаларига кўра уч гуруҳга бўлинади:

-биринчиси кишиларнинг ишчанлик фаолиятини ушлаб туриш мақсадидаги тўловлар ва кўрсатиладиган хизматларни бирлаштиради;

-иккинчи гуруҳ бола туғилиши ва тарбияланиши билан боғлиқ қўшимча харажатларни ўз ичига олувчи тўловлар ва хизматларни англатади. Бунга қуйидагилар киради: бола туғилгандаги нафақа, бола маълум бир ёшга тўлгунга қадар кетган таътил учун тўлов ҳамда болалар нафақаси;

-учинчи гуруҳга меҳнатга лаёқатлилигини тиклаш, тиббий

реабилитация, ногиронлар, ишсизлар, аёллар, декрет таътилидан кейин иш фаолиятига қайтганларни ўқитиш ва қайта ўқитиш мақсадидаги тўлов ва хизматлар киради.

Мажбурий ижтимоий суғурта фуқароларнинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш жойи, даромадидан қатъий назар ижтимоий суғурта кафолатларини маълум миқдорини олинни таъминлашга қаратилган (пенсия, нафақа ва хизмат).

Мажбурий ижтимоий суғуртага меҳнат қилувчи ва унинг оилаларини қариликда, касаллик ҳоллари иш қобилятини йўқотганда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда моддий таъминловчи давлат кафолат тизими сифатида қаралади. Мажбурий ижтимоий суғурта маблағлари корхоналар, муассасалар, ташкилотилар ёлланма ишчининг мақсадли солиқлари яққа тадбиркорларнинг бадаллари ҳамда давлат субсидиялари ҳисобидан шакллантиради.

Ихтиёрий ижтимоий суғурта фуқароларнинг янада кўпроқ ижтимоий ҳимоялашни таъминлашга қаратилган. У фуқароларнинг шахсий даромадидан иш берувчиларнинг ишчиларини суғурталашнинг фирма даромадидан бадал кўринишидаги маблағ ҳисобидан юзага келади.

Ихтиёрий суғурта бўйича суғурта бадаллари миқдори суғурта институтлари томонидан мустақил равишда белгиланади ва у суғурта хавф-хатарига суғурталовчи томонидан ўрнатилган қоидага ижтимоий хизмат нархига суғурталанганлар сонига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид муносабатлар ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг бир тармоғи бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид муносабатлар моҳият жихатидан давлат-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, бу муносабатларнинг юзага келишида қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар етакчи ўринни эгаллайди, яъни ана шундай асослар мавжуд эмаслиги томонлар эрки-ҳоҳишидан қатъий назар ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий

муносабатлар юзага келишига монелик қилади.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатлар нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам билан таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар ҳамда тартибларга мувофиқ юридик фактлар (муайян ҳолларда эса - юридик таркиб) мавжуд бўлганида ижтимоий таъминотни амалга оширувчи органлар билан фуқаролар (айрим фуқаро, оила) орасида вужудга келувчи қонунлар билан тартибга солинадиган ҳамда давлат томонидан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардан иборатдир.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид муносабатлар юзага келишига зарур юридик фактлар (юридик-фактик асос) мавжуд бўлганида таъминот олишга ҳақли бўлган шахснинг таъминот олишга қаратилган иродавий-онгли ҳаракати, ижтимоий таъминотни амалга оширувчи орган томонидан таъминотнинг берилишига қаратилган юридик фактининг содир этилиши сабаб бўлади.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатлар асос бўладиган юридик фактлар-юридик оқибат келтириб чиқаришга лаёқатли бўлган иродавий-фактлар ҳам, муайян воқеа -ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай юридик фактлар жумласига:


- а) муайян давр давомида меҳнат муносабатида бўлганлик-меҳнат стажига эгалик;
- б) ногирон бўлиб қолганлик;
- г) қарамоғида бўлганлик;
- д) меҳнатга яроқсизлик;
- е) касб касаллигига чалинганлик ёки ишлаб чиқаришда жароҳат олганлик ва бошқалар киритилиши мумкин.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабат объекти бўлиб нафақалар, бошқа ижтимоий ёрдамлар ва турли имтиёзларга нисбатан фуқароларда бўлган ҳуқуқлар саналади.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабат

таркибининг иккинчи муҳим элементи - бу муносабатнинг субъектлари қатнашчиларидир. ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари сифатида ҳар доим субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятларга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ўзи (ўз органлари ва муассасалари орқали) иштирок этади.

Шахс ҳуқуқ субъекти сифатида ҳуқуқий муносабатларда қатнаша олиши унинг ҳуқуқ субъектлилик лаёқатига эга эканлигига боғлиқ бўлади. «Ҳуқуқий субъектлик - ҳуқуқ субъекти бўла олиш қобилиятидир. ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий субъектлик ва юридик факт ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шарт - шароитлари ҳисобланади».<sup>3</sup>




**1-чизма. Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид муносабатлар субъекти бўлиб қатнашувчилар<sup>4</sup>**

Ижтимоий нафақалар тайинлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатлари ва муомила лаёқатлари, ваколатлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарликлари ҳажми фуқаролик қонунларида; Устав ва низомларида, бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

<sup>3</sup> А. Саидов, У. Тожиқонов Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., «Адолат», 2001йил, 264 б.  
<sup>4</sup> Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни ташкил этади ва у муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқлари ҳамда субъектив мажбуриятларидан ташкил топади. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни қонун ҳужжатларига кўра, унинг субъектларига берилган ҳуқуқлар ҳамда ваколатлар, юклатилган мажбуриятларга кўра белгиланади.

Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонунларга «маъмурий усулда (юқори турувчи давлат ёки жамоат органи орқали) ёки суд тартибида ҳимоя қилиниши мумкин.



## 2-чизма. Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатлар<sup>5</sup>


Ижтимоий нафақалар тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш шакллари:

- меҳнат стажи ва узоқ йиллик хизмат муддатини белгилашга оид;
- нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид;
- фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги;
- аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий ва енгилликлар бериш

билан боғлиқ;

<sup>5</sup> Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

-ижтимоий нафақалар берилишида қонунларга амал қилинишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва бошқа муносабатларга бўлиш мумкин.



### **3-чизма. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар таснифи<sup>6</sup>**

Республикамизда аҳолини давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни амалга ошириш учун зарур молиявий базани яратиш мақсадида ташкил этилганлиги, уни ижтимоий таъминот вазирлиги тизимига киришлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиши, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва молия вазирлигига ҳисобот бериши, жамғарма маблағлари, уларнинг шакллантириш ва сарфлашнинг мақсадли йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетига

<sup>6</sup> Солиқ кодексига асосан муаллиф томонидан тузилган.

киритилиши, Пенсия жамғармасининг вазифалари ва функциялари, бурчлари ва ҳуқуқлари, жамғарма бюджети, жамғарманинг бошқарув органлари ва бошқа масалалар аниқ белгилаб берилди.

Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига юқорида келтирилган масалаларни амалга ошириш борасида муҳим аҳамият касб этиб, ҳозирги вақтгача давр шароитидан келиб чиққан ҳолда айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли «Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори билан 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот Вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.

## **1.2. Ижтимоий суғурта билан ҳисоблашувлар ҳисоби ҳамда аудитининг назарий асослари**

Ўзбекистонда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, нафақалар билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тобора аҳолининг ночор қатламларига аниқроқ йўналтирилмоқда ва бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ҳамда ваколатлари мунтазам ошириб борилмоқда.

Аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб - қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунчилик фаолияти тобора кучайиб бормоқда ва ҳозирги пайтда ушбу масала ўзининг зарурий ҳуқуқий базасига, бугунги кун талабларини ўзида акс эттирувчи қонунчилик тизимига эга бўлди. Бунда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилалар давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил



13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги ва 2002 йил 25 январдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб - қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонлари алоҳида ўрин тутди.

Нафақа ҳуқуқий категория сифатида фуқароларга ёки оилага давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари, давлат бюджети ҳамда бошқа махсус манбалардан пул шаклида, мунтазам равишда ёки бир марта кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамдан иборат бўлиб, пенсиялардан фарқ қилади ва одатда ёрдамчи хусусиятга эга бўлади ҳамда фуқаро турмуш кечиришининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Пенсияларга хос бўлган асосий хусусиятлар - пул шаклида берилиши, қайтариб олинмаслик шарти билан ва текинга берилиши кабилар нафақаларга ҳам хосдир. Пенсиялардан фарқли ўлароқ, нафақалар вақтинчалик хусусиятга эга, турмуш даражасини таъминлашнинг қўшимча манбаи бўлиб саналади ва нафақалар тайинланишида нафақа олувчининг аввалги меҳнат фаолияти ва меҳнат стажи унчалик катта аҳамиятга эга бўлмайди.

Нафақалар ўз манбаларига кўра:

- 1) давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан) тўланадиган нафақалар;
- 2) давлат бюджети маблағларидан тўланадиган нафақалар;
- 3) бошқа манбалардан тўланадиган нафақаларга бўлинади.

Даврийлигига кўра:

- 1) мунтазам тарзда узоқ муддат давомида тўланадиган нафақалар;
- 2) бир марта тўланадиган нафақаларга бўлинади.

Нафақани олувчилар тоифасига кўра:

- 1) айрим фуқароларга тайинланадиган;
- 2) оилага тайинланадиган нафақалар мавжуд.

Булардан ташқари, нафақалар:

- 1) корхона ва ташкилотларнинг ходимларига тўланадиган;
- 2) болаларга тўланадиган;
- 3) ногиронларга тўланадиган;
- 4) ёлғиз қарияларга тўланадиган нафақаларга ва бошқа турдаги нафақаларга бўлиниши мумкин.

Нафақаларнинг турларини, уларни тайинлаш ва тўлашга оид қонунчилик қоидаларини билиш бу соҳада қонунчиликнинг таъминланиши, ижтимоий адолат қарор топтирилишида катта аҳамиятга эга.

Фуқароларни муайян ҳолларда, уларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланмаганликлари ва меҳнат стажи бор-йўқлигидан қатъи назар, моддий жиҳатдан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади.

Ана шу мақсадда бюджет ҳисобидан ижтимоий нафақалар тўлаш кўзда тутилган бўлиб, улар оила (шахс)нинг моддий шароитлари ёки болалар парвариш қилинаётганлиги ва бошқа сабабларга кўра тайинланиши ҳамда тўланиши мумкин.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга кўра пенсия ололмайдиган қария, ногирон ва бошқа меҳнатга лаёқатсиз шахсларга нафақалар уларнинг ёши эътиборга олингани ҳолда I ёки II гуруҳ ногирони туфайли, боқувчисини йўқотганликлари сабабли тайинланиши мумкин. Бундай нафақа манфаатдор шахснинг аризаси асосида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси<sup>7</sup>нинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан тайинланади.

Ёш бўйича нафақалар қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга:

- аёлларга - 60 ёшга етганларида;

---

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакиллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1252-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда.

- эркакларга - 65 ёшга етганларидан сўнг тайинланади.

Ногиронлик бўйича нафақалар ногиронлик содир бўлган холларда, яъни меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатга йўқотилганида фақат I ва II гуруҳ ногиронларига тайинланиши мумкин. Ишлаб турган ёки бошқа даромад манбаига эга бўлган ногиронларга бундай нафақа тўланмайди.

Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда унинг қарамоғида бўлган меҳнатга яроқсиз, моддий ёрдамга мухтож бўлган оила аъзоларига нафақа тайинланади. Нафақа миқдори бу ҳолда оиланинг меҳнатга яроқсиз 3 ва ундан ортиқ аъзосига вафот этган шахс олиши лозим бўлган қариялик нафақасининг 100 фоизи; оиланинг 2 меҳнатга яроқсиз аъзосига 75 фоизи, бир аъзосига эса 50 фоиз миқдорида тайинланади.

Нафақанинг ушбу турини олиш учун ариза ҳамда ариза берувчининг ёшини тасдиқловчи ҳужжат, яшаш жойидан берилган маълумотнома, оиланинг умумий даромади ҳақида маълумотнома, ногиронлик бўйича нафақа тайинлашда эса қўшимча равишда ТМЭЖнинг ногиронликни тасдиқловчи ҳулосаси, боқувчининг йўқотганлик нафақасини тайинлаш пайтида боқувчисининг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар нусхалари тақдим этилади. Ариза ва зарур ҳужжатлар қабул қилингандан бошлаб 10 кун ичида ижтимоий таъминот бўлими томонидан кўриб чиқилади. Ариза қондирилган ҳолда ариза берилган кундан бошлаб нафақа тайинланади. Ариза рад этилган тақдирда эса бу ҳақда 10 кун ичида аризачига тегишли қарор нусхаси барча ҳужжатлар билан қайтарилиб, қарор устидан шикоят бериш тартиби тушунтирилади.

Нафақа уни олувчи яшаб турган жойидаги ижтимоий таъминот органи орқали тўланади. Нафақа олувчи тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда нафақа тўлаш тўхтатилади. Иш ҳақининг энг кам ойлик миқдори, ногиронлик гуруҳи, коэффициентлар ўзгарган, аҳоли даромадлари индексацияланган тақдирда нафақа миқдори қайта ҳисоблаб

чиқилади.

Фуқароларга қонун ҳужжатларига кўра, бошқа бир қатор нафақаларнинг ҳам тўланиши назарда тутилган. Улар ижтимоий таъминот ҳуқуқи мавзуси доирасига кирмасада, аммо аҳолини ижтимоий жихатдан химоя қилишнинг, муайян воқеа-ходисалар билан боғлиқ тарзда юз берган ноқулай шароитларда уларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим шаклларида ҳисобланади ва ушбу нуқтаи назардан қараганда, мазкур нафақа турларини ҳам қисқача кўриб ўтиш, уларга умумий тарзда бўлсада, тавсиялаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай нафақалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ишсизлик нафақаси;
- 2) ишдан бўшаш пайтида бериладиган нафақа;
- 3) ёш оилаларга бериладиган моддий ёрдам;
- 4) ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисалар туфайли халок бўлган ёки соғлиғига шикаст етганда бирйўла бериладиган нафақалар.

Ишсизлик нафақаси. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 29 - моддасига кўра туман (шаҳар) Меҳнат бўлимлари томонидан белгиланган тартибда ишсиз шахс деб эътироф этилган фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланади. Нафақанинг миқдори ва тўланишининг энг узоқ муддати ҳам ушбу қонунда белгилаб қўйилган.

Аввал ишлаган, ишидан ва иш ҳақи (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган шахсларга улар ишлаган давридаги иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ҳамда нафақани ҳисоблаш пайтреда Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси тайинланади. Харбий хизматдан, Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизматидан, бошқа харбий органлардаги харбий хизматдан бўшатишган шахслар аввал ишлаган бўлсалар, иш ҳақларининг 50 фоизи миқдорида, аввал ишламаган шахсларга ишсизлик нафақаси энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи

миқдорида тайинланади. Биринчи марта иш қидираётган ва ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида ишсизлик нафақаси тайинланади. Ишсиз деб эътироф этилган шахсларга бир марталик моддий ёрдамлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ишсизлик нафақаси биринчи марта иш қидираётган шахсларга бир календарь йил давомида 13 ҳафтагача, аввал ишлаган шахсларга эса йил давомида 26 ҳафтагача бўлган муддат давомида тўланиши мумкин. Ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 ноябрда рўйхатга олинган «Ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатиш тартиби, миқдори ва шартлари тўғрисида»ги Низомда кўрсатиб қўйилган. Ишдан бўшатилаётган ходимларга бериладиган нафақа Ўзбекистон республикасининг Меҳнат кодексига назарда тутилган бўлиб, унга кўра муайян сабаблар билан ишдан бўшатилаётган шахсларга бундай нафақалар берилиши белгиланган.

Меҳнат кодексининг 89-моддаси 4-қисмига кўра ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашдан бош тортганлиги туфайли, 100-модда 2-қисмининг 1 (штатлар қисқариши, корхонанинг тугатилиши), 2 (ходим эгаллаб турган вазифа ишга нолойиқ бўлиб қолиши) 5 (ўриндошлик бўйича ишлаётган шахс бошқа доимий ходим ишга қабул қилиниши туфайли ишдан бўшатилиши), 6 (корхона мулкдори алмашганлиги туфайли корхона раҳбари, ўринбосарлари, бош бухгалтерининг ишдан бўшатилиши) -бандлари билан иш берувчи ташаббусига кўра ишдан бўшатишган шахсларга Меҳнат кодексининг 109-моддасига биноан ўртача ОЙАИК иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси берилади.

Ишдан бўшатиш нафақаси ишдан бўшатиш пайтида ишга жойлаша

олмаганлиги туфайли ўртача ойлик иш хақини сақлаб қолиниши билан ҳамда фойдаланилмаган Меҳнат таътили учун бериладиган ёки ишдан бўшатилиш хақида олдиндан огохлантириш ўрнига тўланадиган компенсация пули билан алмаштириб юборилмаслиги лозим. Ишдан бўшатиш нафақаси юқоридаги тўловлар берилган-берилмаганлигидан катъи назар тўланавериши лозим.

Ёш оилаларга бериладиган моддий ва маънавий ёрдам бериш 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент фармонида асосан амалга оширилади, бу фармонга биноан ёшоилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилиши кўзда тутилган.<sup>8</sup>

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бирйўла бериладиган нафақа мируғори, тўланиш асослари ҳамда, тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 194-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ холда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қоидалари»да айтилишича: йўқотилган иш хақини тўлашдан, зарарни тўлашдан ташқари иш берувчи соғлиғига зарар етказилган жабрланувчи ходимга унинг бир йиллик иш хақидан кам бўлмаган миқдорда (қоиданинг 22-банди), ходим вафот этгани тақдирда эса унинг қарамоғида бўлиб келган боқувчисини йўқотган шахсларга мархум ходимнинг 6 йиллик (72 ойлик) иш хақи миқдорида, бир йўла бериладиган нафақа тўлашга мажбур бўлади.

Таълим муассасаларида бериладиган стипендиялар ҳам аҳолини маълум табақаларини ижтимоий қўллаб - қувватлаш ва ҳимоялашнинг муҳим шаклларида бири саналади.

---

<sup>8</sup> “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”. Илмий маърифий журнал, 2007 йил, 4-сон, 43-46 Б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги «Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 6 мартда «Таълим муассасаларида стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома рўйхатга олинди. Ушбу йўриқномага кўра, стипендия деганда таълим муассасаларида давлат грантлари ёки тўлов-контракт асосида муваффақиятли таълим олаётган студентлар (ўқувчилар)га ҳар ойда тўланадиган пул тўловларидан иборат бўлиб, бошқа тўловлар тўланишидан қатъи назар (бошқа нафақа турлари, пенсия, алимент ва бошқалар), тўланаверади. Стипендиялар ўқув юртида тузиладиган стипендия комиссияси томонидан рейтинг назорати ва талаба (ўқувчи) ўзлаштириши кўрсаткичларига мувофиқ тайинланади.

Стипендиянинг таянч миқдори белгилаб қўйилган бўлиб, рейтинг бўйича 86-100 ўзлаштирувчи талабага шунинг 100 фоизи; 71-85 фоиз ўзлаштирувчи талабага 75 фоизи; 55 - 70 фоиз ўзлаштираётган талабага эса 50 фоизи миқдорида стипендия тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясини олувчиларга, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек номидаги стипендияларни олувчи талабаларга белгиланган миқдорида стипендия берилади.

Талаба (ўқувчи) академик таътилда бўлган даврида стипендия тўланмайди. Хомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган талабаларга таътил даврида тўлиқ стипендия тўланаверади. Ёзги таътил пайти учун ҳам стипендия тўланаверади. Талаба (ўқувчи) стипендиясидан ушлаб қолинишига йўл қўйилмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ҳисобини вазифаларини қуйидагича келтириш мумкин:

- бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ҳисобини қонун ва қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;
- мақсадли жамғармаларни ҳисоблашга доир маълумотларни

тўлиқ йиғиш ва тўловни аниқ ҳисоблаб чиқариш;

- мақсадли жамғармаларни бухгалтерия ёзувларида тўғри акс эттириш;

- ички ва ташки фойдаланувчиларга керакли маълумотлар ва ҳисоботларни ўз вақтида етказиб беришдир.

Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб – китобларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади – текшириладиган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоботининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни акс эттириш қисмида, ҳамда солиққа тортишдаги тартибга солинган масалалар билан боғлиқ сезиларли ҳолатларни акс эттиришдан иборат.

Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан олиб борилдадиган ҳисоб – китоблар аудитор жиддий эътибор бериши лозим бўлган мураккаб объект ҳисобланади. Биринчидан, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланадиган солиқ ва тўловларнинг нотўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлиги учун корхонага нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилади. Бу эса унинг молиявий аҳволига сезиларли даражада таъсир қилади. Иккинчидан, ҳисоб – китобларнинг тўғрилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосалари солиқ инспекцияси томнидан қабул қилиниши айрим ҳолларда шубҳа остига олиниб, қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Сўнги ҳолат солиқ идораси тақдим қилинган аудиторлик хулосасини қайтадан текшириб чиқишга ҳақлидир.

Агар аудитор хулосаси давлат бюджети манфаатларига зид, амалдаги қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга зид қилинмасдан сифатсиз тузилганлиги аниқланса, амалд иқонунчиликка мувофиқ санкциялар кучга киради. Бундай ҳолларда аудиторлик фирмаси аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқ берадиган лицензиядан маҳрум қилиниши мумкин. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланишини текширишдан олдин солиққа тотиладиган объект бўйича кўрсаткичларнинг тўғрилиги, солиққа тортиладиган база ва солиқ ставкаларига солиқёки мажбурий тўловнинг



ставкаларига риоя қилиниши, текширилиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари кенгаймоқда. Республикамизнинг барча ҳудудларида бюджетга тўланадиган тўловларнинг тўғрилигини аниқлайдиган ва уларнинг ўз вақтида ўтказилиши устидан қатъий назорат ўрнатадиган солиқ хизматлари ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бу борада Давлат солиқ қўмитасига катта ҳуқуқлар берилган. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги солиқ идораларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- Кириш қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) – кириш қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

- ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб – китобларни муддатида топширмаслик ҳолатларига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, бироқ белгиланган тўлов муддатида тўланиши лозим бўлган тўлов миқдоридан тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар чегириб ташланган сумманинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;

- Бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик, ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келганда – юридик шахс – солиқ тўловчига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум миқдорининг бир фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Юридик шахс – тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш

тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилига олиб келади.

Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектга нисбатан ҳам ҳисоб – китоб ишларини нотўғри юритганлиги сабабли «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга мувофиқ белгиланган тартибда маъмурий жазо чоралари агар бу борада жиноят аломатлари сезилса, жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунинг учун корхона аудиторлик текширувидан ўтказилаётганда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича ҳисоб – китобларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида бўлишини аудитордан талаб қилмоғи лозим бўлади. Аудитор ҳам ўз навбатида бу масалаларга ҳайрихоҳ бўлмоғи лозим. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб – китобларда корхона бухгалтерлари томонидан йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш билан аудитор ушбу корхонага солиқ инспекцияси томонидан қўлланиладиган молиявий жазо чоралари билан боғлиқ бўлган зарарлардан қутилиб қолишга ёрдам беради.

Шунинг учун у солиқ ва бошқа тўловларга доир ҳисоб – китобларнинг тўғрилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида ўтказиб берилишини синчиклаб текшириши лозим.

Ижтимоий суғурта ва таъминот фондларига тўловлар ҳисобланиши ҳамда тўланишини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагилар бажарилади:

- хар бир фонд тури бўйича ва суғурта тури бўйича тўлов ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилигини аниқлаш;
- тегишли фондлар бўйича суғурта бадаллари ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини текшириш;
- ҳисоблашларни текшириш;
- суғурта бадалларини ҳисоблаш манбаларини текшириш.

## **II-боб. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар ҳисобини амалдаги ҳолати**

### **2.1. Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма (бадал)лари ҳисоби**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XV бўлим, 51 боби ягона ижтимоий тўловни (кейинчалик битирув малакавий ишда ЯИТ дейилади) ҳисоблаб чиқаришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Президентнинг 25.12.2013 йилдаги ПҚ-2099-сон Қарори билан ЯИТнинг 25%лик ставкаси сақлаб қолинди, суғурта бадаллари ставкаси 6,5%гача оширилди.

Президентнинг 26.12.2013 йилдаги ПФ-4589-сон Фармони билан **ЯИТ бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати қуйидагилар учун 2019 йил 1 январга қадар узайтирилди:**

- товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар<sup>9</sup>;

- юридик шахслар – Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар, агар улар хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар<sup>10</sup>. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомда<sup>11</sup> дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларини Миллий реестрга киритишга қўйиладиган талаблар, шунингдек имтиёзларни қўллаш шартлари белгиланган.

Мазкур корхоналар учун ЯИТ бўйича имтиёзлар фақат касаначиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондига (МХТФ) нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

<sup>9</sup> ЎзР Президентининг 5.01.2006 йилдаги ПФ-3706-сон Фармони 3-банди

<sup>10</sup> ЎзР Президентининг 20.09.2013 йилдаги ПҚ-2042-сон Қарори 6-банди

<sup>11</sup> Давлат алоқа қўмитаси, ИВ ва МВнинг АВ томонидан 26.12.2013 йилда 2541-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

- юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;  
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

- Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчилардир.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.

Солиқ Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир.

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база Солиқ Кодексининг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, Солиқ Кодексининг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ортиқча олинган суммалар. Белгиланган миқдордаги тўловлар қуйидагича:

- жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик

иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

- махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

- жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

- ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

2) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

б) қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

- давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирлиқларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмайди.

Календарь йил солиқ давридир. Йил чораги ҳисобот давридир.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, яқка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари календарь ойида

ишлаган кунлари сонидан қатъи назар қуйидаги миқдорларда суғурта бадалларини тўлайди:

- якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси — ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

- оиланинг бошқа аъзолари (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) — ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Календарь йил давомида имтиёзга бўлган ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган тақдирда, суғурта бадалларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Суғурта бадалларини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан — ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари — ҳисобот йилининг 1 октябригача. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзоларининг суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти оилавий тадбиркорлик субъекти номидан



иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг зиммасига юклатилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, идентификация рақами ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оила аъзолари — оилавий тадбиркорлик иштирокчилари бўйича тўлов топшириқномаси (кирим ордери) ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида ёзилади. Агар тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун — йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган суғурта бадалларини ихтиёрий тўлаш тўғрисидаги ариза асосида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий асосда суғурта бадаллари тўлайди.

2009 йилнинг 1 январидан бошлаб ЯИТ тўловчилари ЯИТни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда тегишли йил учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган ставка бўйича, бироқ:

- ҳар бир ходим учун ойига бир минимал иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, фермер хўжаликлари бундан мустасно;

- фермер хўжаликлари ҳар бир ходими учун ойига минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ЯИТ ҳисоблашади.

Ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ чегириб ташланади.

ЯИТ тўловчилари ҳисобот ойда ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган

кунларидан ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда жами корхона бўйича ЯИТнинг энг кам миқдорини аниқлайдилар.

ЯИТнинг энг кам миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:<sup>12</sup>

$MP_{\text{яит}} = K/n * N$ , бу ерда:

**MP<sub>яит</sub>** — ЯИТнинг бир ой учун энг кам миқдори;

**K** — бир ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари (бир кунда ишлаган соатларидан қатъи назар) сони, бироқ корхонада ўрнатилган иш кунлари сонидан ортмаган ҳолда. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига, шунингдек йиллик меҳнат таътиллари ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътиллarga тўғри келадиган кунлар ҳам тааллуқлидир. Бир ойда ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларнинг ишлаган кунлари киритилмайди:

- пасайтирилган ставкалар бўйича ЯИТ ҳисоблаб чиқариладиган ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронларнинг иш кунлари;

- касаначиларнинг иш кунлари (ЯИТ бўйича имтиёз муддати тугагунга қадар);

- фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлар бажараётган (хизматлар кўрсатаётган) яқка тартибдаги тадбиркорларнинг иш кунлари.

**n** — корхонада белгиланган бир ойдаги иш кунлари сони;

**N** — бир ходим учун бир ойда ЯИТ нормативи (бир минимал иш ҳақи, фермер хўжаликлари учун эса белгиланган минимал иш ҳақининг 50 фоизи). Агар минимал иш ҳақининг миқдори ойнинг 1-кунидан ўзгармаса, у ҳолда ой учун минимал иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори қўлланилади.

ЯИТнинг энг кам миқдори ҳар ой ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисобот даври учун ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобот

---

<sup>12</sup> «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 4-банди. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 120-модда; 2011 й., 7-8-сон, 78-модда)

даврининг ҳар бир оyi учун ЯИТнинг энг кам миқдорлари қўшиб чиқилади.

**Мисол.** Корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Январь ойида унда 15 киши ишлаган. Иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ 2014 йил январида 6 кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони 26 кунни ташкил этади.

**1-жадвал**

**Январь ойи учун маълумотлар<sup>13</sup>**

<b>Ходимлар</b>	<b>Ҳақиқатда ишланган кунлар</b>	<b>Ҳисобланган иш ҳақи (сўм)</b>
1-ходим	26	750 000
2-ходим	26	730 000
3-ходим	26	800 000
4-ходим	26	680 000
5-ходим (касал бўлган)	20	392 000
6-ходим	26	420 000
7-ходим (касал бўлган)	18	355 000
8-ходим	26	480 000
9-ходим	26	480 000
10-ходим	26	480 000
11-ходим	26	340 000
12-ходим	26	340 000
13-ходим	26	340 000
14-ходим (ишдан бўшаган)	14	221 538
15-ходим	26	440 000
<b><i>Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди</i></b>		<b>7 248 538</b>
<b>ЯИТ суммаси (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25%)</b>		<b>1812134,5</b>

<sup>13</sup> «Protective Clothing» МЧЖ маълумотлари асосида

Январь ойида барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари умумий сони:

$$K = 26 + 26 + 26 + 26 + 20 + 26 + 18 + 26 + 26 + 26 + 26 + 26 + 26 + 14 + 26 = 364 \text{ кун.}$$

Белгиланган формулага асосан базавий миқдор суммасини ҳисоблаб чиқамиз:

$$\text{ЯИТ (БМяит)} = 364/26 \times 96\,105 \text{ сўм} = 1\,345\,470 \text{ сўм.}$$

Демак, ҳисоб-китоблардан кўринадики ЯИТнинг ҳақиқатда ҳисобланган суммаси базавий миқдордан юқори шу сабабли қўшимча тўланмайди ва счетларда қуйидагича акс эттирилади:

**Дебет** 2000, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400                      1812134,5 сўм

**Кредит** 6520    1812134,5 сўм

Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг энг кам миқдоридан кам бўлса, у ҳолда ягона солиқ тўлови ЯИТнинг энг кам миқдорининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммасидан ортган қисмига қўшимча ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ ҳақиқий суммаси ЯИТнинг энг кам миқдоридан кўп ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма миқдоридан тўланиши керак.

Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ЯИТнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни амалга оширадилар.

“Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби бузилган ҳоллар аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯИТнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда, ЯИТни қўшимча ҳисоблайдилар. Бунда давлат

солиқ хизмати органлари томонидан қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси тўловчи ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан ундирилади ва фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди.

Хўжалик ҳисобида бўлган корхоналар ва ташкилотлар бўйича:

а) меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисоблаб ёзилган ягона ижтимоий тўлов суммалари харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (2000, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400) билан корреспонденцияда 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти кредити бўйича акс эттирилади;

б) фуқароларнинг иш ҳақидан ушланган суғурта бадаллари суммалари бухгалтерия ҳисобида 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади;

в) тегишли пенсиялар ва нафақаларнинг эълон қилинган суммалари бухгалтерия ҳисобида 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда 4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади;

г) тегишли маблағ суммаларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан келиб тушиши 4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағи билан корреспонденцияда пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади;

д) ходимларга тегишли пенсиялар ва нафақалар бўйича маблағлар суммаси тўлови пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади.

*Мисол.* Ишчиларига умумий 12850 минг сўм меҳнат ҳақи ҳисоблаган, ушбу ҳисобланган суммага нисбатан ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратма ҳисобланган. Ягона ижтимоий тўлов суммаси 12850


минг сўмга нисбатан ҳисобланган (12850 минг х 25%), 3212,5 минг сўм ягона ижтимоий тўлов суммаси, асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилади ва бу бўйича қуйидаги кўринишдаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» - 3212,5 минг сўм

Кредит 6520- «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» - 3212,5 минг сўм

Фуқароларнинг иш ҳақидан ушланган суғурта бадаллари суммалари бухгалтерия ҳисобида 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти учун мажбурий бадалларнинг тўлиқ келиб тушиши ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсия ва нафақаларни тўлашга харажатларни ўз вақтида молиявий таъминлаш учун ижтимоий таъминот органларининг маъсулиятини янада оширилмоқда.



#### **4-чизма. Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизими турлари<sup>14</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармонида белгилаб қўйилганки, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил етилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча равишда қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклатилган:

- фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

- пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

- пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтирилайдиган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

- меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш;

- тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш.

- фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни, хусусан пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларни қўлланиш қисмида уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифалар.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

- юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;
- оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

Қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

- ноижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;
- ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар.
- умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни казиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Солиқ Кодексининг 313-моддасига асосан соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-



созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинadиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — Солиқ Кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

б) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

*Мисол.* Корхона бош бухгалтерига 1160 минг сўм меҳнат ҳақи ҳисоблаган, ушбу ҳисобланган суммадан ушланган бюджетдан ташқари

пенсия жамғармасыга суғурта бадаллари суммасы (1160000 x 6.5%) 75400 сўм ушланма ҳисобланган ва бу бўйича қуйидаги кўринишдаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 6710 75400 сўм

Кредит 6520 75400 сўм

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасыга мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Корхона 2014 йил январ ойида жами 30000,0 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилингани аниқланди, яъни 9010 счётида жами кўрсатилган сумма мавжуд. Корхонага мажбурий ажратма қуйидаги тартибда аниқланади:

$30000,0 \times 1\% = 300,0$  минг сўм бюджетга тўланиши керак бўлган сумма ҳисобланади.

Ушбу ҳолатга қуйидагича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Мажбурий ажратма ҳисобланганда:

Дебет 9430 «Бошқа операцион ҳаражатлар» 300,0 минг сўм

Кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» 300,0 минг сўм

Мажбурий ажратма тўланганда:

Дебет 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» 300,0 минг сўм

Кредит 5110 «Ҳисоб китоб счёти» 300,0 минг сўм

Бухгалтерия ҳисобида қуйидагилар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади:

а) меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар - «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи бўйича, «Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар» ҳисобварағи;

б) фуқароларнинг мажбурий бадаллари - «Ижтимоий суғурта

бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи бўйича, «Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари» ҳисобварағи.

Корхона ажратмаларининг ҳисоблаб ёзилган суммалари «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи кредити бўйича, «Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар» ҳисобварағида «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннари», «Давр харажатлари» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Ходимларнинг ҳисоблаб ёзилган даромадларидан ушлаб қолинган суммаларни тўловчилар «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг кредити бўйича, «Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари» ҳисобварағида «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланганидек ҳисобланган суммалардан ишлайдиган пенсионерларга пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тўлашда фойдаланилганида корхоналар фойдаланилган суммаларни қуйидагича акс эттирадилар;

«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи дебети  
«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи кредити.

«Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи дебети бўйича корхонанинг ажратмаларни тўлаш бўйича ҳақиқатдаги қарзи, ҳисобварақ дебети бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаларининг пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича қарзи акс эттирилади.

Пенсия фондига ажратмаларни ҳисобга олишда қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

4520-«Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари»;

6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлари».

4520-«Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлар» ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Пенсия фондига ҳисобот даврида ўтказиб берилган бўнак тўловлари ҳисобга олинади. Бу муомалага қуйидагича проводка берилади:

Дебет 4520-«Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»;

6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлари» ҳисобварағида корхона ва ташкилотлар томонидан Пенсия фондига тўланадиган ажратмалар ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Пенсия фондига ажратмалар ҳисобланганида қуйидагича проводкалар берилади:

Капитал қўйилмалар бўйича суғурта тўловлари ҳисобланди:

Дебет 0810-0890;

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар».

Харажатларга тегишли суғурта тўловлари ҳисобланди:

Дебет 2010, 2310, 2510, 9420;

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар».

Ходимнинг иш ҳақидан ушланадиган суғурта тўловлари ҳисобланди:

Дебет 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар»;

Кредит 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлари».

Ҳисобот даври якунида Пенсия фондига илгари тўланган бўнак тўловлари якуний ҳисоб-китоб қилиш учун 6520—«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлари» ҳисобварағига ўтказилади:

Дебет 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлари»

Кредит 4520-«Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари».

Шундан сўнг Пенсия фондига бўлган қарз тўловлари ўтказиб берилади:

Дебет 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлари»;

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатида кечиктирмай;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

## **2.2. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари тўлдириш**

ЯИТ ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига<sup>15</sup> фуқароларнинг суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари тўловчиси тўғрисида маълумотлар;

- Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби (Ҳисоб-китоб);

- Ҳисоб-китобга 1-илова — «Ягона ижтимоий тўлов

---

<sup>15</sup> МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 10-илова.

ҳисобланмайдиган тўловларнинг турлари» (Ҳисоб-китобга 1-илова);

- Ҳисоб-китобга 2-илова – «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловларнинг турлари» (Ҳисоб-китобга 2-илова);

- Ҳисоб-китобга 3-илова – «ЯИТнинг энг кам миқдори маълумотнома-ҳисоб-китоби» (Ҳисоб-китобга 3-илова);

- Ходимларнинг сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисида маълумотнома-ҳисоб-китоб (чакана савдо ташкилотлари томонидан тақдим этилади);

- Ходимларнинг сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисида маълумотнома-ҳисоб-китоб (умумий овқатланиш ташкилотлари томонидан тақдим этилади);

- Ходимларнинг сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисида маълумотнома-ҳисоб-китоб (қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилади).

Барча корхоналар ходимлар сонидан қатъи назар, ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоботни солиқ ҳисобига турган жойдаги ДСИга ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан кечикмай ортиб борувчи яқун билан ҳар чоракда тақдим этадилар.

Ҳисоб-китоб ортиб борувчи яқун билан қуйидаги тартибда тўлдирилади:

**3, 4 ва 5-устунларда** ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китоби учун кўрсаткичлар, **6-устунда** суғурта бадаллари суммалари ҳисоб-китоби учун кўрсаткичлар кўрсатилади.

ЯИТни ҳисоблаб чиқариш учун Ҳисоб-китобнинг тегишли сатрлари **3-устунида** солиқ тўловчи маълумотлари умумий суммада (жами) акс этирилади, улардан қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

**4-устунда** – умумбелгиланган ЯИТ ставкаси – 25% қўлланиладиган кўрсаткичлар.

4-устунни «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси ҳам

тўлдиради, чунки улар учун ЯСТнинг 7%лик ставкаси белгиланган ва у умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондига қўлланилади (ВМнинг 26.06.2001 йилдаги 271-сон қарори 1-банди);

**5-устунда** – ЯИТ имтиёзли ставкаси қўлланиладиган маълумотлар кўрсатилади. Уни ихтисослашган цехлар ва участкаларда ишлайдиган ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар тўлдирадилар. Ногиронлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига 4,7%га пасайтирилган ЯИТ ставкаси қўлланилади (ВМнинг 17.07.1992 йилдаги 328-сон қарори 7-банди).

**010-сатрда** ЯИТ ва суғурта бадаллари солиш объекти ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ҳисобланган даромадлар суммаси акс эттирилади (СКнинг 306-моддаси). Уларга СКнинг 172-моддасига мувофиқ қуйидагилар киради:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

- илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;
- рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар (СКнинг 173-моддаси);
- компенсация тўловлари (компенсация) (СКнинг 174-моддаси);
- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (СКнинг 175-моддаси).

СКнинг 176–178-моддалари бўйича тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга кирмайди ҳамда улардан ЯИТ ва суғурта бадаллари олинмайди. Тегишинча, ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоботда улар акс эттирилмайди.

**Мисол.** Корхона ҳисобот чорагида ходимларга қуйидаги тўловларни амалга оширган: иш ҳақи – 8 600 минг сўм; овқатланиш учун қўшимча тўловлар – 1 860 минг сўм; моддий ёрдам – 768,84 минг сўм; шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация – 576,63 минг сўм (меъёр доирасида – 192,21 минг сўм, меъёрдан ортиқча – 384,42 минг сўм).

Санаб ўтилганлардан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этиладиган иш ҳақи ва овқатланишга қўшимча тўловлар ҳисоботда акс эттирилади ҳамда улардан ЯИТ ва суғурта бадаллари олинади. Моддий ёрдам ва шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун меъёр доирасидаги компенсация ЯИТ ва суғурта бадаллари солинадиган объект ҳисобланмайди ва ҳисоботни тўлдиришда ҳисобга олинмайди.

**011-сатрда** Ўзбекистон ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатишга доир шартномалар бўйича Ўзбекистон норезиденти – юридик шахсга тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари кўрсатилади. Мазкур сатрда чет эллик ходимларга, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, бироқ чет эллик ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатишга доир шартнома бўйича харажатлар умумий суммасининг 90%идан кам бўлмаган миқдорда тўланадиган даромадлар суммаси келтирилади. Ушбу даромадлар фақат ЯИТ солинадиган объект ҳисобланади(СКнинг 306-моддаси), шу боис фақат 3 ва 4-устунлар тўлдирилади. 5 ва 6-устунлар тўлдирилмайди.

Ҳисоб-китобнинг **020-сатри** бўйича тегишли устунларда қуйидагилар кўрсатилади:

- ЯИТ ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри асосида тўлдирилади);
- суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси (Ҳисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри маълумотлари бўйича).

**030-сатрда** қуйидаги ҳисоб-китоб йўли билан аниқланадиган ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича солиқ солинадиган база кўрсатилади: 010-сатр + 011-сатр – 020-сатр. 0301, 0302 ва 0303-сатрларда тегишинча ҳисобот чораги биринчи, иккинчи ва учинчи ойларининг охиридаги солиқ солинадиган база (ортиб борувчи якун билан) алоҳида кўрсатилади. 0303 ва 030-сатр кўрсаткичлари тенгдир.

**040-сатрда** ЯИТ (25%) ва суғурта бадаллари (6,5%) ставкаси кўрсатилади.



«SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси 040-сатрнинг 4-устуни бўйича 7%ни, ихтисослашган цехлар ва участкаларда ишлайдиган ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар эса 040-сатрнинг 5-устунида – 4,7%ни қўядилар.

**050-сатрда** ҳисобот даврида ҳисобланган ЯИТ ва суғурта бадаллари суммаси акс эттирилади, у 030-сатр «Солиқ солинадиган база» кўрсаткичини унга тегишли 040-сатрнинг «ЯИТ ва суғурта бадаллари ставкалари» кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан аниқланади. 0501, 0502 ва 0503-сатрларда ҳисобот чорагининг тегишинча биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари охирига ҳисобланган ЯИТ ва суғурта бадаллари суммасини кўрсатиш керак.

Корхона имтиёзли ставкани (4,7%) қўлласа, ЯИТни белгиланган ва пасайтирилган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаш керак.

**Мисол.** Корхонада 20 киши ишлайди, уларнинг 8 нафари – ногиронлар. Январь-март ойларида 30 000 минг сўм миқдорида меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган, шундан 12 000 минг сўми ногирон ишчилар МХТФга тўғри келади.

Чорак якунлари бўйича МХТФдан ягона ижтимоий тўлов:

ногирон ходимлардан – 564 минг сўм (12 000 х 4,7%);

қолган ходимлардан – 4 500 минг сўм (18 000 х 25%).

Чорак учун ЯИТ суммаси – 5 064 минг сўмга (564 + 4 500), суғурта бадаллари суммаси – 1 950 минг сўмга (30 000 х 6,5%) тенг.

Ҳисоб-китобда қуйидагилар кўрсатилади:

030-сатр бўйича 3 ва 6-устунларда – 30 000 000 сўм, 4 ва 5-устунларда тегишинча 18 000 000 ва 12 000 000 сўм;

040-сатр бўйича 4-устунда – 25%, 5-устунда – 4,7%, 6-устунда эса – 6,5%;

050-сатр бўйича 3-устунда – 5 064 000 сўм, 4-устунда – 4 500 000 сўм, 5-устунда – 564 000 сўм, 6-устунда – 1 950 000 сўм.

**060, 0601, 0602 ва 0603-сатрлари** 2095-сон Низомга мувофиқ энг

кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлайдиган корхоналар томонидангина тўлдирилади. Кўрсатилган сатрларда Ҳисоб-китобга 3-иловининг 090, 0901-0903-сатрлари асосида маълумотлар келтирилади. 060-сатрда ҳисобот чораги учун, шу жумладан 0601, 0602 ва 0603-сатрларда ҳисобот чорагининг ҳар бир ойи учун (ортиб борувчи якун билан) қўшимча ҳисоблашнинг умумий суммаси акс эттирилади. Агар ЯИТ қўшимча ҳисоблашларсиз энг кам миқдоргача тўланса, 060, 0601-0603-сатрларнинг тегишли устунларига «0» қўйилади.

**070-сатрда** ҳисобот чораги учун тўланадиган (ортиб борувчи якун билан) ЯИТ ва суғурта бадаллари суммаси кўрсатилади. 070-сатрдан ҳисобот чорагининг биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари учун тўланадиган ЯИТ ва суғурта бадаллари суммаси алоҳида-алоҳида кўрсатилади (**0701, 0702 ва 0703-сатрлар**).

ЯИТни энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ҳисобловчи солиқ тўловчи корхоналар 070, 0701-0703-сатрлар кўрсаткичларини 060, 0601-0603-сатрларда акс эттирилган қўшимча ҳисобланган суммаларни инобатга олган ҳолда аниқлайдилар (050 ва 060-сатрлар қийматлари суммаси). Қолган корхоналар 070, 0701, 0702 ва 0703-сатрларга тегишинча 050, 0501, 0502 ва 0503-сатрлардан кўрсаткичларни кўчирадилар.

Ҳисоб-китобга 1-илова Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра ЯИТ солинмайдиган тўловлар мавжуд бўлганда тўлдирилади ва ДСИга такдим этилади.

**010-сатрда** ЯИТ ҳисоблаб ёзилмайдиган тўловларнинг умумий суммаси (020 ва 030-сатрлар йиғиндиси) кўрсатилади;

**020-сатрда** СКнинг 308-моддасига мувофиқ ЯИТ солинмайдиган даромадларнинг умумий суммаси (0201-0204-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан қуйидаги суммалар акс эттирилади:

меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш учун СКнинг 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган

суммалар **(0201-сатрда)**;

ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар **(0202-сатрда)**;

мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, МХХнинг харбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг ҳамда ДБКнинг оддий, сержант ва офицер таркибларида хизматни ўташи (хизмат вазифаларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар **(0203-сатрда)**;

- қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар **(0204-сатрда)**.

**030-сатрда** бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ЯИТ ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси кўрсатилади. Унинг кўрсаткичи 0301-03...-сатрлар йиғиндиси сифатида белгиланади. Уларни тўлдираётганда имтиёз қўлланишига асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, санаси, рақами, шунингдек банди ва имтиёзнинг мазмуни кўрсатилади.

Ҳисоб-китобга 2-иловада Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ суғурта бадаллари солинмайдиган тўловлар кўрсатилади. У тегишли кўрсаткичлар мавжуд бўлгандагина тўлдирилади.

**010-сатрда** суғурта бадаллари солинмайдиган тўловларнинг умумий суммаси (020 ва 030-сатрлар йиғиндиси) кўрсатилади.

**020-сатрда** СКда белгиланган суғурта бадаллари бўйича имтиёзларнинг умумий суммаси (0201-0204-сатрлар йиғиндиси) акс эттирилади.

**0201-сатрда** Ўзбекистонда доимий яшамайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўловлар суммаси кўрсатилади. Мазкур тўловларга СКнинг 305-моддасига асосан суғурта бадаллари солинмайди. ИИВ томонидан Ўзбекистонда доимий яшашга рухсатномаси ва яшаш гувоҳномаси бўлган чет эл фуқаролари доимий яшовчи фуқаролар

деб ҳисобланади.

**0202-0204-сатрлар**, агар ҳисобот даврида СКнинг 308-моддасига асосан суғурта бадаллари солинмайдиган тўловлар амалга оширилган бўлса, тўлдирилади.

**030-сатрда** бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар суммаси кўрсатилади. Сатр қиймати 0301-03...-сатрлар йиғиндиси сифатида белгиланади, ушбу сатрларда имтиёз қўлланишига асос бўлган қонун ҳужжатининг номи, санаси ва рақами, шунингдек банди ва имтиёзнинг мазмуни кўрсатилади.

Ҳисоб-китобга 3-иловани 2095-сон Низомга мувофиқ энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлаш тартиби татбиқ этиладиган корхоналаргина тақдим этадилар. Энг кам миқдорни ҳисобга олган ҳолда ЯИТ тўлаш тартиби қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

- қонун ҳужжатларида ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси назарда тутилган юридик шахслар;

- нотижорат ташкилотлари, шу жумладан бюджет ташкилотлари;

- ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари белгиланган чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси корхоналари. Улар Ҳисоб-китоб билан бирга Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги Маълумотнома-ҳисоб-китобни ҳам тақдим этадилар.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган ва ходимларнинг МҲТФга ЯИТнинг пасайтирилган ставкасини (4,7%) қўллайдиган корхоналар фақатгина меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ЯИТнинг 25%лик ставкаси қўлланилган ходимлар бўйича ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қиладилар.

Маълумотнома-ҳисоб-китоб шакл кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда тўлдирилади.

**0101, 0102 ва 0103-сатрларда** ҳисобот чорагининг биринчи, иккинчи ва учинчи ойларида ЯИТ энг кам миқдорини ҳисоб-китобга

киритадиган жисмоний шахслар (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида ишлайдиганлар) сони ортиб бормайдиган яқун бўйича акс этирилади.

**0201, 0202 ва 0203-сатрларда** чоракнинг ҳар бир ойида ходимлар томонидан ҳақиқатда ишланган иш кунлари сони ортиб бормайдиган яқун билан кўрсатилади. Ходим томонидан айнан шу кунда неча соат ишланганлигидан қатъи назар ҳақиқатда ишланган иш куни ҳисобланади. Ҳар йилги меҳнат таътиллари ва иш ҳақи сақланган ҳолда берилган таътиллار кунлари ҳам ҳақиқатда ишланган иш кунлари деб эътироф этилади.

Бир ойда ишланган кунлар сонини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларга тўғри келадиган ишланган кунлар ҳисобга олинмайди:

- ихтисослашган цехлар ва участкаларда ишлайдиган ногиронлар ҳамда улар бўйича ЯИТни 4,7%лик ставкада ҳисоблаб чиқарадиган корхоналар;

- касаначилар;

- фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлар бажарадиган (хизматлар кўрсатадиган) яққа тартибдаги тадбиркорлар.

**0301, 0302 ва 0303-сатрларда** корхонада белгиланган 5 ва 6 кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб, бир ойдаги иш кунлари сони кўрсатилади. 2014 йилга иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ иш кунлари сони қуйидагини ташкил қилади:

## 2-жадвал

### 2014 йилга иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ иш кунлари сонини<sup>16</sup>

Ой	5 кунлик иш ҳафтасида	6 кунлик иш ҳафтасида
Январь	22	26
Февраль	20	24
Март	20	24

<sup>16</sup> МАИМКВ томонидан 12.11.2013 йилда 02-05/3032-сон билан тасдиқланган

**0401, 0402 ва 0403-сатрларда** битта ходимнинг бир ойлик ЯИТ меъёри – ЭКИХнинг 1 бараварига, фермер хўжаликлари учун – энг кам иш ҳақининг 50%ига тенг миқдор кўрсатилади. 2013 йил 15 декабрдан ЭКИХ 96 105 сўмни ташкил қилади (Президентнинг 2.12.2013 йилдаги ПФ-4582-сон Фармони 2-банди).

**050-сатрда** ҳисобот чораги учун ЯИТнинг энг кам миқдори акс эттирилади, у 0501, 0502 ва 0503-сатрлар қийматини қўшиш йўли билан аниқланади.

**0501, 0502 ва 0503-сатрларда** ҳисобот чорагининг ҳар бир оyi учун ЯИТнинг энг кам миқдори кўрсатилади, уни ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаймиз: ҳақиқатдан ишланган кунлар сони ҳисобот оyiдаги иш кунлари сонига бўлинади ва ЯИТ меъёрига кўпайтирилади.

**Мисол.** Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган, ходимлар сони – 18 киши. Иш вақтини ҳисобга олиш табелига мувофиқ март оyiда:

16 ходим оyiда тўлиқ ишлаган;

1 ходим бутун ҳисобот оyiда иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлган;

1 ходим вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этган, унга кўра касаллиги туфайли 5 кун ишга келмаган.

Март оyiда иш кунлари сони – 20 кун.

Март оyiда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари сонини аниқлашда иш ҳақи сақланмайдиган таътил ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ҳисобга олинмайди. Шундай қилиб, март оyiда ҳақиқатда 335 кун ( $16 \times 20 + (20 - 5)$ ) ишланган, ЯИТнинг энг кам миқдори 1 609 759 сўмни ( $335 / 20 \times 96 105$ ) ташкил қилади.

**060-сатрда** 25%лик ставкадан келиб чиқиб, ҳисобот чораги учун ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси акс эттирилади. Сатр қиймати 0601, 0602 ва 0603-сатрлар кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

**0601-сатрда** ҳисобот чорагининг биринчи оyi учун ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Мазкур кўрсаткич ҳисобот даври учун

Ҳисоб-китобнинг 0501-сатри 4-устуни ва аввалги ҳисобот даври учун Ҳисоб-китобнинг 050-сатри қийматларидаги фарқ сифатида ҳисоб-китоб қилинади. I чорак учун Маълумотнома-ҳисоб-китобни тўлдириш чоғида 0601-сатрда Ҳисоб-китобнинг 0501-сатри 4-устунидаги қиймат қўйилади.

**0602-сатрда** ҳисобот даврининг иккинчи ойи учун ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Унга оид маълумотлар ҳисобот даври учун Ҳисоб-китобнинг 0502 ва 0501-сатрлари 4-устуни кўрсаткичларидаги фарқ сифатида ҳисоб-китоб қилинади.

**0603-сатрда** ҳисобот чорагининг учинчи ойи учун ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси кўрсатилади (ҳисобот даври учун Ҳисоб-китобнинг 0503 ва 0502-сатрлари 4-устуни кўрсаткичларидаги фарқ).

**070-сатрда** ҳисобот чорагида ЯИТ бўйича қўшимча ҳисоблашлар суммаси (0701, 0702, 0703-сатрлар йиғиндиси) акс эттирилади.

**0701, 0702 ва 0703-сатрларда** ҳисобот чорагининг ҳар бир ойи учун қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Унинг қиймати тегишинча 0501 ва 0601-сатрлар; 0502 ва 0602-сатрлар; 0503 ва 0603-сатрлар фарқи сифатида аниқланади. Агар 0601, 0602 ва 0603-сатрлар қиймати 0501, 0502 ва 0503-сатрлар қийматига тенг ёки ундан кўп бўлса (яъни ЯИТ бўйича қўшимча ҳисоблаш ёзишлар мавжуд бўлмаса), у ҳолда 0701, 0702 ва 0703-сатрларга «0» қўйилади.

**080-сатрда** аввалги ҳисобот даври охирига қўшимча ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси кўрсатилади. Аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри маълумотлари кўчирилади. Биринчи чорак учун Маълумотнома-ҳисоб-китоб тўлдирилаётганда 080-сатрга «0» қўйилади.

**090-сатрда** ҳисобот чораги охирига ортиб борувчи яқун билан аниқланадиган қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси (070 ва 080-сатрлар йиғиндиси) акс эттирилади. 090-сатрдан тегишинча 0901, 0902 ва 0903-сатрлар бўйича ҳисобот чорагининг биринчи, иккинчи ва учинчи ойлари охирида қўшимча ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси ажратиб кўрсатилади.

Кейинчалик 090, 0901–0903-сатрлар кўрсаткичлари ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 060, 0601–0603-сатрларига кўчирилади.

Корхона (микрофирма) хизматлар кўрсатади. Унда 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган, ходимлар сони 5 та. Ходимлар иш ҳақининг 50%и пластик карточкаларга ўтказилади.

Январь ойида корхона ходими телевизор харид қилишга истеъмол кредити расмийлаштирди. Унинг аризасига кўра февраль ойидан бошлаб ҳар ойда иш ҳақидан кредитни сўндиришга 150 000 сўм ўтказилади.

Февраль ойида корхона ходими бўлмаган жисмоний шахс билан 1 йилга автомобилни ижарага олиш шартномаси тузилди. Шартномага кўра ижара ҳақи суммаси – 300 000 сўм. Биринчи ой учун тўлов февралда тўланди.

I чорак бўйича жисмоний шахсларга доир ҳисоблаб ёзишлар, ушланмалар ва тўловлар ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд ( 3-жадвал ва 1-3- иловага қаранг):

#### 4-жадвал

Жисмоний шахсларга доир ҳисоблаб ёзишлар, ушланмалар ва тўловлар ҳақида маълумотлар<sup>17</sup>

<b>1.01.2014 йил ҳолатидаги сальдо</b>	<b>Сумма (сўм)</b>
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва суғурта бадалларини чегирганда жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича қарз	4 073 088
ШЖБПХни чегирганда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш бўйича қарз	610 812
ШЖБПХга мажбурий бадаллар бўйича қарз	55 300
Фуқароларнинг суғурта бадалларини тўлаш бўйича қарз	340 800

Келтирилган маълумотларга кўра қуйидагиларни тўлдирамиз (1-3-

<sup>17</sup> «Protective Clothing» МЧЖ маълумотлари асосида



иловаларга қаранг):

- Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 2-илова, бундан кейин – 2439-сон Қарор);

- Тўланган даромадлар ва ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ШЖБПХга бадаллар суммасининг расшифровкиси (бундан дивидендлар ва фоизлар мустасно) (Маълумотларга 1-илова);

- Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби (2439-сон Қарорга 10-илова);


- ЯИТнинг энг кам миқдори маълумотнома-ҳисоб-китоби (ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобига 3-илова).

### III-боб. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар аудити

#### 3.1. Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар аудитини ўтказиш тартиби

Мамлакатимизда давлатнинг айрим функцияларини бажариш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил қилинган. Мазкур жамғармаларни молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқлардан ташқари мажбурий тўловлар тўлаш мажбурияти юкланган. Бошқа мажбурий тўловларни аудитдан ўтказишдан мақсад ушбу мақсадли жамғармаларга тўловлар тўғри ҳисобланаётганлигига ва ўз вақтида тўловлар амалга оширилаётганлигига ишонч ҳосил қилишдир.

Бошқа мажбурий тўловлар аудитини қуйидаги чизмада келтирилган кўринишда амалга оширилади.



**5-чизма. Бошқа мажбурий тўловлар аудити босқичлари<sup>18</sup>**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни

<sup>18</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

текшириш.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни аудиторлик текширувидан ўтказишда қўйидаги амаллар кетма-кетлигида текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ:

- мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилигини текшириш;
- мажбурий ажратмалар бўйича солиқ ставкаларининг қўллашнинг тўғрилигини текшириш;
- мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилигини текшириш.

Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни текширишдан ўтказишда хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ солинадиган объект ва солиқ солинадиган базани тўғри аниқланганлигини текшириш зарур. Маълумки мажбурий ажратманинг солиқ солиш базаси бўлиб корхоналарнинг тайёр маҳсулот, иш ҳамда хизматларни сотишдан соф тушум ҳисобланади.

Аудиторлик текширувида соф тушумни таҳлил қилишда 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар», 9030-«Бажарилган ишлар ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счетлари бўйича бухгалтерия ўтказмаларини тўғри берилганлигига ва даромадлар тўғри тан олинганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига илова сифатидаги «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низомга мувофиқ давр харажатлари таркибида ҳисобга олинганлигини ҳамда фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базани камайтирилганлиги текшириш талаб этилади.

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект, унинг

фаолиятига таъсир кўрсатадиган умумиктисодий омиллар ва тармоқ шарт-шароитлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги манбалардан олиши мумкин:

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- танишиши учун хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (олдинги аудиторлик ҳисоботлари ва хулосалари, ҳисоб сиёсати. Бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси, лавозим йўриқномалари, инвентаризация материаллари ва бошқалар);

- хўжалик юритувчи субъект ёки ушбу хўжалик юритувчи субъект қарашли бўлган тармоққа алоқадор бўлган нашрлар;

- мазкур хўжалик юритувчи субъект ёки ушбу хўжалик юритувчи субъект қарашли бўлган тармоқдаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан олдинги ишлаш тажрибалари.

Аудиторлик текшируви аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятини тушунишда эришганлари асосида режалаштирилган бўлиши керак. Режалаштиришни мақсади – бу самарали ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган текширувчи ташкил этишдир. Режалаштириш босқичида аудитни стратегияси ва тактикасини, унинг ўтказиш муддатларини аниқлаб олиш; аудитнинг умумий режасини ҳамда дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Аудиторлик ташкилоти юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июлда 54-сон билан тасдиқланган 3-сонли АФМС «Аудитни режалаштириш»дан фойдаланиши керак. 3-сонли АФМС нинг 6-бандида режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишдан (5-жадвалга қаранг), шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида

холис ва асосли фикр шакллантирилиши учун зарур бўлган аудиторлик амалларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини (6-жадвалга қаранг) ишлаб чиқишдан иборат бўлиши назарда тутилган.

## 5-жадвал

### Ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ушланмалар бўйича операциялари аудитининг РЕЖАСИ<sup>19</sup>

Текширилаётган корхона «Protective Clothing» МЧЖ

Аудит ўтказиладиган давр 20\_\_ . \_\_ . \_\_ .дан 20\_\_ . \_\_ . \_\_ .гача;

Киши-соат миқдори \_\_\_\_;

Аудиторлик гуруҳи раҳбари \_\_\_\_\_

Аудиторлик гуруҳи таркиби \_\_\_\_\_

Режалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги \_\_-%;

Режалаштирилаётган аҳамиятлилик даражаси \_\_%.

Т/р.	Режалаштирилаётган иш турлари:	Ўтказиш муддати	Ижрочи
1.	Бошланғич ҳужжатлар расмийлаштирилиши аудити		
2.	Иш ҳақи ҳисоблаш ва иш ҳақидан ушлаб қолишлар асосланганлигининг аудити		
3.	Бухгалтерия ҳисоби регистрлари кўрсаткичлари тўғрилигининг аудити		
4.	Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити		
5.	Пенсия жамғармасига ажратмалар ва бадаллар аудити		

**Аудитнинг ишчи ҳужжатларини тайёрлаш.** Ишчи ҳужжатларини тайёрлашнинг мақсади – бу текшириш пухта равишда режалаштирилганлигини, режанинг амалга оширилиши аудиторлар томонидан ҳар куни назорат қилиб борилганлигини ва аудит ўтказиш жараёнида қайта кўриб чиқилганлигини, зарур ҳолларда тегишли изланишлар бажарилганлигини ҳужжатларда тасдиқлашдир.

<sup>19</sup> «Protective Clothing» МЧЖ маълумотлари асосида

## АУДИТ ДАСТУРИ<sup>20</sup>

Текширилаётган корхона “Protective Clothing” МЧЖ

Аудит ўтказиладиган давр 20\_\_\_.\_\_\_.\_\_\_.дан 20\_\_\_.\_\_\_.\_\_\_.гача;

Аудиторлик гуруҳи раҳбари \_\_\_\_\_

Аудиторлик гуруҳи таркиби \_\_\_\_\_

Режалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги \_\_-%;

Режалаштирилаётган аҳамиятлилик даражаси \_\_%.

№	Аудиторлик тадбирлари рўйхати	Текшириладиган ҳужжатлар	Изоҳ
<b>1. Бошланғич ҳужжатларини расмийлаштирилиши аудити</b>			
1.1.	Ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш тўғрилигини текшириш	Ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари	
<b>2. Иш ҳақидан ушлаб қолишларни асосланганлиги аудити</b>			
2.1.	Ягона ижтимоий тўлов, даромад солиғи, пенсия жамғармасига бадалларни ҳисоблаш, улар бўйича имтиёзларни қўлланишининг қонунийлигини текшириш	Шахсий карточкалар, ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари, солиқ идораларига тақдим этиладиган ишчиларнинг олган даромадлари тўғрисидаги маълумотномалар	
2.2.	Қўлланилаётган ягона ижтимоий тўлов, даромад солиғи, пенсия жамғармасига бадал ставкаларини амалдаги қонунчиликга мос келишини аниқлаш	Ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари, тақдим этиладиган ягона ижтимоий тўлов, даромад солиғи, пенсия жамғармасига бадал тўғрисидаги маълумотномалар	
<b>3. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари кўрсаткичларини тўғрилигининг аудити</b>			
3.1.	Бош китоб счётлари ва синтетик ҳисоб регистларининг ўхшаш кўрсаткичларига мос келишини текшириш	Журнал-ордерлар, қайдномалар, Бош китоб	
3.2.	Ҳисобланган иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларни маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига олиб боришни текшириш	Журнал-ордерлар, Бош китобнинг қайдномалари, буйруқлар	
<b>4. Бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити</b>			
4.1.	Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича тўловларнинг ҳисобланишини тўғрилигини ҳамда уларни ўз вақтида мўлжалланган мақсади бўйича ўтказиб берилганлигини текшириш	Ҳисобланган иш ҳақи, суғурта бўйича ишчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш маълумотномаси, журнал-ордерлар, қайдномалар, ижтимоий суғурта билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобот	

<sup>20</sup> АФМСларга асосан муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 августда 64-сон билан тасдиқланган «Таҳлилий тадбирлар» Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти (13-сонли АФМС)да аудиторлик ташкилоти томонидан фойдаланилган тадбирлар ва уларнинг натижалари баёни назарда тутилган.

Аудитор томонидан текширилган ташкилотнинг бошланғич ҳисобга олиш ҳужжатлари аудиторнинг ишчи ҳужжатларига ёзиб борилади:

- камчиликлар аниқланган ва аудит жараёнида аудиторда саволлар туғилган ҳужжатлар аудиторнинг ишчи ҳужжатиغا унинг барча устунлари бўйича ёзилади;

- камчиликлар аниқланмаган ва аудит жараёнида аудиторда саволлар туғилмаган аудитор томонидан текширилган ҳужжатлар аудиторнинг ишчи ҳужжатиغا бир хил номдаги ҳужжатлар яхлит жилди сифатида уларнинг номи, рақами ва тузилган санаси кўрсатилган ҳолда ёзилади. Аудиторнинг ишчи ҳужжатининг охириги устунига «камчилик аниқланмади» деган белги қўйиш амалга оширилади.

Расмий ва арифметик текшириш ўтказишда аниқланган камчиликлар натижалари аудиторнинг ҳисобот ҳужжатларида умумлаштирилади.

Аудиторлик далилларини олиш усуллари. Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоблар бўйича операциялар аудитини ўтказишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- миждознинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш (қайта ҳисоблаш);

- айрим хўжалик операцияларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш, тасдиқлаш;

- хўжалик юритувчи субъектнинг ходимларини, раҳбариятини ва боғлиқ бўлмаган (учинчи) томонлар билан оғзаки сўров ўтказиш;

- ҳужжатларни текшириш, кузатиш, таҳлилий тадбирлар.

Мижознинг арифметик ҳисоб-китоблари текширишдан ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш бўйича сумманинг арифметик ҳисоб-китоби

ишончлилигини ва уларни бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттирилишининг аниқлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади.

Айрим хўжалик операцияларининг ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш аудиторлик ташкилотига бухгалтерия томонидан бажарилган ҳисобга олиш ишларни ва ягона ижтимоий тўлов, даромад солиғи, пенсия жамғармасига бадал бўйича счётларнинг боғланиши назоратини амалга ошириш имкониятини беради.

Тасдиқлаш меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов, даромад солиғи, пенсия жамғармасига бадал бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар счётларидаги қолдиқларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги ахборотларни олиш учун фойдаланилади.

Оғзаки сўров ўтказиш меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходим билан ҳисоб- китобларни, ягона ижтимоий тўлов, даромад солиғи, пенсия жамғармасига бадални ҳисобга олиш ҳолатини олдиндан баҳолашда аудиторнинг саволномасига жавоб олишда, шунингдек, уларни текшириш жараёнида, тўғрилигига иккиланишлар юзага келадиган айрим амалга оширилган хўжалик операциялари бўйича мутахассислардан аниқлик киритиш сўралганда фойдаланилади.

Ҳужжатларни текшириш аудиторга маълум бир ҳужжатнинг ҳақиқийлигига (реаллигига) ишонч ҳосил қилишга имконият беради. Бухгалтерия ҳисобида маълум бир ёзувларни танлаб олиш ва ушбу операциянинг ҳақиқийлиги ва бажарилишининг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаши керак бўлган бошланғич ҳужжатгача операцияни ҳисобга олишда аск эттирилишини кўриб чиқиш тавсия этилади.

Кузатишдан аналитик счётлар, қайдномалар, ҳисоботлар, Бош китобда акс эттирилган синтетик счётлар бўйича кредит айланмаларини бир хил бўлмаган счётларнинг боғланишига эътибор қаратган ҳолда ўрганишда фойдаланилади.

Таҳлилий тадбирлар ҳисобот давридаги иш ҳақи фондини ўтган даврлар маълумотлари билан таққослашда фойдаланилади.



Аудитор мажбурий ажратма бўйича бухгалтерия ўтказмаларини тўғри берилганлигини ҳам текшириши зарур.

Аудитор шунингдек Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилганлигини текширишдан ўтказиши ҳамда текширув натижалари бўйича тегишли хулоса ва таклифлар тайёрлаши зарур ҳисобланади.

Бюджетдан ташқари жамғармага мажбурий ажратмаларни аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидаги амаллар кетма-кетлигида текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ:

- мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилигини текшириш;
- мажбурий ажратмалар бўйича солиқ ставкаларининг қўллашнинг тўғрилигини текшириш;
- мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилигини текшириш.

Мажбурий ажратмалар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар ойда соф тушумдан белгиланган ставка асосида ҳисоблаб чиқилишини ҳамда ҳар ойда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказиб берилишини текшириш зарур. Аудитор текширув натижаларини таҳлил қилиш орқали тегишли таклифлар ва хулосалар тайёрлаши зарур.

Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланиши ҳамда тўланишини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидагилар бажарилади:

- Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаш учун қабул қилинган базанинг ишончлилигини аниқлаш;

- Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ставкаларини қўллашнинг тўғрилигини текшириш;
- Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобларини текшириш;
- Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаш манбаларини текшириш.

Аудитор ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳисоблаш учун қўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда қуйидагиларни бажариш зарур:

- ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган меҳнат ҳақи ҳамда бошқа тўловлар турларини аниқлаш;
- ҳақиқатда суғурта бадаллари ҳисобланган тўловлар турларини, тегишли ижтимоий суғурта фондига суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар рўйхатига мувофиқ улар ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги лозим бўлган тўлов турлари билан таққослаш;
- ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг тўлиқ тўланмаган (ёки ошиқча тўланган) миқдорини аниқлаш.

### **3.2. Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 14 февралдаги 20-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70-сонли АФМС) «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» аудиторлик хулосаси ўзида барча муҳим аспектлар бўйича Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мос келишини ифодаловчи молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги тўғрисида аудиторлик

ташкilotининг фикрини ифода этади деб белгиланган.

Аудиторлик ҳисоботи - хўжалик юритувчи субъект раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжат.

Аниқланган хато ва камчиликларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 августда 63-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3 сентябрда 813-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти (9-сонли АФМС) «Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги»нинг талабларига мувофиқ таҳлил қилиш лозим.

Хатоларнинг муҳимлиги миқдори ва сифат жиҳатдан баҳоланади. Миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун аудитор аниқланган хатолар режалаштириш босқичида белгиланган муҳимлик даражаси билан таққослайди. Сифат жиҳатдан баҳолашда аудитор ўзининг амалий тажрибаси ва билимларига таянади.

Аудит жараёнида аниқланган хатоларни таҳлил қилишда уларни молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигига таъсир қилиш даражасини аниқлаш лозим.

Хато ва камчиликлар аниқланган текширилган ҳужжатлар рўйхати, шунингдек, текшириш натижалари бўйича аудиторнинг фикри ишчи ҳужжатларида акс эттририлади.

Якуний босқич қуйидагиларни, шу жумладан, ташкilotнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа операциялари бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар инвентаризацияси ўтказишни текширишни ўрганиб чиқишни ўз ичига олади:

- ташкилотда меҳнат ҳақи ва бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда амалга оширилганлигини;

- ташкилот томонидан мустақил равишда белгиланган инвентаризация ўтказиш муддатларига риоя қилинганлигини;

- инвентаризацияни ҳужжатларда расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЕГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил етиш ва ўтказиш»да белгиланган талабларга мос келишини.

Агар аудитор фақат инвентаризация натижаларини текширишдан ўтказган бўлса, у ҳолда ушбу факт аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузишда айтиб ўтилиши лозим.

Аудиторлик хулосаси корхона молиявий ҳисоботларининг ҳақиқийлиги ва объективлиги ҳақидаги мустақил гувоҳнома.

Аудитор аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва аудиторлик хулосасини тузади. Аудиторлик ҳисоботи уч қисмдан иборат:

- кириш;
- таҳлилий;
- якуний.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисмида қуйидагилар бўлиши шарт:

- хўжалик юритувчи субъектда ички назорат ҳолатини текшириш натижалари (батафсил баёни);

- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботни текшириш

натижалари;

- молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишини текшириш натижалари;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

- активларнинг бутлигини текшириш натижалари.

Хўжалик юртиувчи субъект ички назоратининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;

- аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

- аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини жиддий бузишлар баёни.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

- аудиторлик текшируви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларнинг

қонунчиликка жиддий номувофикликлари баёни.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишлар баёни.

Активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишлар ва ҳуқуқ бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўзи ичига олиши керак.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботини тузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Аудиторлик ҳисоботида келтирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Ахборотни ошкор этганлик учун ушбу ахборотдан фойдалана оладиган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик хулосаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- а) ном;
- б) адресатнинг номи;
- в) кириш қисми;
- г) қайд этиш қисми;
- д) якуний қисм;
- е) аудиторлик хулосасини бериш санаси;

ж) аудиторлик ташкилоти манзили;

з) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзоси.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши керак. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосаси шаклининг бир хиллигига риоя қилиши керак.

Аудиторлик хулосаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

а) ижобий аудиторлик хулосаси;

б) салбий аудиторлик хулосаси.

Ижобий аудиторлик хулосаси корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ақс эттирган ҳолда берилади. Ижобий аудиторлик хулосасини аудитор қуйидаги ҳолларда беради:

- молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисобининг аниқ ва объектив маълумотлари асосида виждонан тайёрланганда;

- бухгалтерия ҳисоби белгиланган тамойиллар ва талабларга мос келганда, ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғри танланганда;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўланганда;

- ички назорат хўжалик операцияларининг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаганда.

Шартли ижобий аудиторлик хулосаси молиявий муносабатларнинг ҳақлиги шартли тасдиқлаганда берилади. Аудитор баъзи бир масалада норози бўлганда берилади. Унинг норозилигига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- корхона раҳбари билан хўжалик фаолиятини баъзи далиллари ва молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичлари билан фикрининг ажралиши;

- ҳисоб сиёсатидаги баҳолаш усуллари бўйича, эскириш миқдорининг тўғри ҳисобланганлиги бўйича;

- ҳисоб варақаларининг ўзаро боғлиқлиги хўжалик амалиётларини иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунга мос келмаганда;

- қонунчилик ҳужжатларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни

тушунишнинг ҳамда қўллашнинг турличалиги;

- молиявий ахборотнинг ҳақиқийлигига таъсир қилувчи корхонанинг ҳисоб сиёсати.

Салбий аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлиги бўйича аудиторнинг ишончи йўқ бўлган ҳолларда берилади. Бундан ташқари аудитор хулосасида аудитор молиявий таваккалчилигини ҳаракатдаги қонунчилик ва бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатларига мос келмаслик сабабларини кўрсатилиши керак.

Аудиторлик хулосасини беришдан бош тортиш - текширув ҳажми чекланишлари шунчалик моддийки, аудиторга молиявий ҳисоботларнинг ҳолати бўйича хулоса беришга асос бўлмайди.

Аудиторлик ҳисоботи берилган муддати кўрсатилган бўлиши керак. Аудиторлик ҳисоботига қўл қўйилгандан кейин ҳисобот берилган вақтгача бўлган ҳамма воқеаларга асосланган далилларни ўрганиш ва текшириш кўрсатилади. Аудитор ўз ҳисоботининг муддати миқдорнинг молиявий ҳисоботларида кўрсатилган вақтдан илгари бўлиши мумкин эмас.

Аудитор ўз ҳисоботининг муддатигача бўлган барча тузатишлар зарур бўлган воқеалар аниқланганлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши керак. Бу ҳоллар бўйича аудитор маълумотнома тайёрлайди. Аудиторлик ҳисоботи берилган вақтдан кейин аудитор корхонани молиявий ҳолатида бўлган ҳамма ўзгаришлар бўйича жавобгар эмас.

Хулосада аудитор ишчи ҳужжатлари жилдини шакллантиради, аудиторлик ҳисоботини тузади ва уни ишчи ҳужжатлари билан биргаликда аудиторлик текшируви гуруҳи раҳбарига тақдим этади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади, шундан икки нусха аудиторлик текшируви буюртмачисига тақдим этилади.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши, аудиторнинг ишончи комил эмаслиги ва (ёки) рози эмаслиги юзага келтирган чеклашларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.



Аудиторлик хулосаси очик ахборот ҳисобланади, ундан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси фойдалана олсин.

Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилиниши мумкин.

## Хулоса ва таклифлар

Хўжалик юритувчи субъектларда ижтимоий суғуртага ажратма ва ушланмалар ҳисоби ва аудити такомиллаштириш иқтисодий-ижтимоий вазифаларни шунчалик тез ҳал этиш мумкин. Бу борада хўжалик юритувчи субъектда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга қарздорлик бўйича ажратмалар ҳисобини юритиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Битирув ишини ёзиш жараёнида эга бўлган маълумотлар ва маҳаллий аудиторлик ташкилотларида ташкил қилинган аудиторнинг иш жараёнларининг ўрни ва аҳамияти ўрганилди.

Аудитор хўжалик юритувчи субъектларда ижтимоий суғуртага ажратма ва ушланмалар аудити юзасидан ҳисоб-китобларини текширганда солиқ базаларининг тўғри аниқланганлигига; солиқ ва тўлов имтиёзларининг тўғри қўлланилишига; солиқ ва пенсия фондига ажратмалар ставкалари ҳамда суммаларининг тўғрилигига; солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг муддатида ва тўлиқ бюджетга ўтказилганлигига; бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига; тўловлар бўйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишига; бюджетга тўловлар бўйича ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва асослилигига эътибор бериши керак.

Мазкур битирув малакавий иш мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот жараёнида амалиётда учрайдиган айрим муаммолар ечимига оид қуйидаги таклифлар берилди:

1. Ҳар бир аудиторлик текшируви вақт бўйича чегараланган экан, аудитор ҳар доим аудиторлик текшируви мақсадини тўғри ва аниқ белгилаши, текширув ўтказиш объектларини хатога йўл қўймасдан танлаб олиши, ўз ҳаракатларини аниқ режалаштириш, самарали аудиторлик муолажаларини қўллаши ва ҳаққоний хулоса чиқариб бериш учун керакли бўлган далилларни тўплаши зарур. Аудиторлик ташкилотларининг фаолияти билан танишиш жараёни шуни кўрсатдики,

аудиторлик текшируви асосан буюртмачи ташкилотга боргандан сўнг бошланиши аниқланди. Ваҳоланки, аудит текширувини муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги учта асосий босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- Аудиторлик текширувини режалаштириш;
- Аудиторлик исботларни тўплаш;
- Аудитни якунлаш.

2. Ахборотларни компьютерда қайта ишлаш шароитида аудит ўтказиш масалалари долзарб бўлиб турибди. Чунки, компьютерда ахборотларни сақлаш, уларнинг махфийлиги, ошкора бўлиш rischi (хавф-хатари), аудиторнинг компьютер соҳасидаги уқуви, бу ишга мутахассис экспертларни жалб этиш, аудиторлик ташкилотида ахборотларни компьютерда қайта ишлаш бўйича кутубхонанинг мавжудлиги, маълумотларнинг электрон базаларини яратиш соҳасида муайян муаммолар туғилмоқда.

Дастурий таъминотни мукаммалашмаганлиги, бухгалтерия ходимлари ва аудиторларнинг инфор­мацион технологиялар соҳасидаги билим даражалари етарли эмаслиги, компьютер муҳитининг тармоқ бўйича марказлашмаганлиги, ахборотларнинг компьютерда қайта ишлаш тизимига рухсатсиз киришни тақиқлаш бўйича зарур чора-тадбирларнинг талаб даражасида эмаслиги, солиқ идоралари, банклар ва солиқ тўловчилар ўртасида, шунингдек, бош ва шўъба корхоналар ўртасида компьютер тармоғининг уланмаганлиги солиқларни назорат қилиш учун аудиторга ҳақиқий текшириш ўтказиш мақсадида идоралараро юришига тўғри келади.

3. Агарда фуқаролар пенсия ёшидан олдин нафақат мажбурий ажратмаларни балки ўзлари ихтиёрий тарзда бадалларни тўлаб борсалар, пенсия тайинланган вақтда мажбурий ва ихтиёрий бадаллар ҳисобидан йиғилган маблағлар ва унга қўшилган йиллик даромад фоизлар ҳам анча миқдорда бўлиб пенсия маблағларини ошишига олиб келади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2007 йил 22 ноябрда тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 21.12.1995 йил тасдиқланган, 01.04.1996 йилдан кучга кирган.
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари**

6. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун хўжалик субъектлар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони. 1995 йил 12 май, 2003 йил 4 июлдаги ўзгартиришлар билан.
7. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 6 октябр.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низоми. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22

сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2000 йил 20 июлдаги 280-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги.2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори.

12. «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 4-банди. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 120-модда; 2011 й., 7-8-сон, 78-модда)

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

13. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” — Т.: Ўзбекистон, 2009.

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон. 2010

15. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: Ўзбекистон. 2011.

16. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2012 йил

17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2013 йил.

18. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.:

Ўзбекистон. 2014 йил.

19. Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 17 январь 2015 й, №11 (6194).

#### **V. Асосий ва қўшимча адабиётлар**

20. Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: NORMA, 2009.- 597б.

21. Гадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. NORMA, 2010.- 368 б.

22. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент NORMA. 2010.

23. Джамбакиева Г. Финансовый учет. Учебное пособие. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 348 б.

24. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.

25. Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 432 стр.

26. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-444 б

27. Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.- 592б.

28. Макарьева В.И. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. Учебник.-М.: «Финансы и статистика», 2008.

29. Маматов З.Т.Аудит:муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.-Т.:ТМИ.2004.-348 б.

30. Маматов З.Т., Норбеков Д.Э. Аудит: Ўқув қўлланма.- Т.: ТМИ, 2007.-137 б
31. Ортиқов Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 528-б
32. Ортиқов Х.А. ва бош Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 368-б
33. Очилов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004.-256 б.
34. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.- Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. 252 б.
35. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Т.: «Меҳнат», 2004. – 416 б.
36. Сотволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Миллий Ассоциацияси, 2004, 429 б.
37. Сотволдиев А.С. Финансовый и управленческий учет. Учебник. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 280 б.
38. Сотиволдиев А.С. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 280 б.
39. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. Тошкент: NORMA, 2008 йил. 320 б.
40. Ўразов Б., Воҳидов В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.: «ADIB NASHRIYOTI», 2011 й. – 494 б.
41. Қосимов Х. ва бошқалар.т Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами/. - Тошкент, 2010. - 320 б.
42. Фуломова Ф.Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: NORMA, 2012 йил. 496 б.

## **VI. Интернет сайтлари.**

<http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)

<http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

<http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи)

<http://www.lex.uz> (ЎзР қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)



## Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори

## ҲИСОБ-КИТОБИ

(хўжалик юритувчи субъектлар учун ЯИТ ҳисоб-китобиغا илова қилинади, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинган ходимлар сони	010	
Ҳисобот ойида барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	020	
Ҳисобот ойида иш кунлари сони	030	
Ҳисобот ойида бир ходим учун ЯИТ нормативи	040	
Ҳисобот ойида ЯИТнинг энг кам миқдори (020-сатр/030-сатр x 040-сатр)	050	
Ҳисобот ойида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри — аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри)	060	
Ҳисобот ойида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (050-сатр – 060-сатр)	070*	
Аввалги ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-ҳисоб-китобининг 090-сатри)	080	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (070-сатр + 080-сатр)	090	

Раҳбар

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_  
(имзо)

М.Ў.

\* Агар 3-устуннинг «060»-сатри қиймати 3-устуннинг «050»-сатри қийматига тенг ёки ундан катта бўлса, 3-устуннинг «070»-сатрида «0» қиймати кўрсатилади.

## Маълумотнома-ЯИТнинг энг кам миқдори

## ҲИСОБ-КИТОБИ

(микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯИТ ҳисоб-китобиغا илова қилинади)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинadиган ходимлар сони:	010	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	
Ҳисобот ойида барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари:	020	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	
Ҳисобот даврида иш кунлари сони	030	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	
ЯИТ нормативи:	040	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0401	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0402	
чоракнинг учинчи ойи учун	0403	
ЯИТнинг энг кам миқдори (0501-сатр+0502-сатр+0503-сатр):	050	
чоракнинг биринчи ойи учун (0201-сатр/0301-сатр х 0401-сатр)	0501	
чоракнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр /0302-сатр х 0402-сатр)	0502	
чоракнинг учинчи ойи учун (0203-сатр /0303-сатр х 0403-сатр)	0503	
Ҳисобот даврида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси, шу жумладан:	060	
чоракнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 050-сатри)	0601	
чоракнинг иккинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри – ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0501-сатри)	0602	
чоракнинг учинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0503-сатри – ҳисобот даври учун ЯИТ ҳисоб-китобининг 0502-сатри)	0603	
ҳисобот даврида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (0701-сатр + 0702-сатр + 0703-сатр):	070	
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр – 0601-сатр)	0701*	
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502 -сатр – 0602-сатр)	0702*	

чоракнинг учинчи оyi учун (0503-сатр – 0603-сатр)	0703*	
Аввалги ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси, шу жумладан (070-сатр + 080-сатр)	090	
I ой охирида (0701-сатр + 080-сатр)	0901	
II ой охирида (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	
III ой охирида (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	

Раҳбар

\_\_\_\_\_

(имзо)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_

(имзо)

М.Ў.

\* Агар 3-устуннинг «0601», «0602» ва «0603»-сатрлари қиймати 3-устуннинг тегишинча «0501», «0502» ва «0503»-сатрлари қийматига тенг ёки катта бўлса, 3-устуннинг «0701», «0702» ва «0703»-сатрларида «0» қиймати кўрсатилади.

(сўм)

Т/р	Ҳисоблаб ёзилган, ушланмалар, тўловлар	Ҳисобот даври ойлари			I чорак учун жами
		январь	февраль	март	
<b>1</b>	<b>Ходимнинг даромади сифатида қаралмайдиган иш берувчининг харажатлари (СКнинг 171-моддаси иккинчи қисми)*</b>				
1.1	Белгиланган меъёр доирасида хизмат мақсадларида шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация (ЭКИХнинг 2 баравари)	192 210	192 210	192 210	576 630
1.2	<b>1-бўлим бўйича жами*</b>	<b>192 210</b>	<b>192 210</b>	<b>192 210</b>	<b>576 630</b>
<b>2</b>	<b>Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (СКнинг 172–175-моддалари)</b>				
2.1	Ходимларнинг иш ҳақи	2 500 000	2 500 000	2 500 000	7 500 000
2.2	Байрамга мукофот	–	–	1 000 000	1 000 000
2.3	Овқатланиш учун қўшимча тўловлар	880 000	800 000	800 000	2 480 000
2.4	<b>2-бўлим бўйича жами</b>	<b>3 380 000</b>	<b>3 300 000</b>	<b>4 300 000</b>	<b>10 980 000</b>
<b>3</b>	<b>Мулкий даромадлар (СКнинг 176-моддаси)</b>				
3.1	Ижара ҳақи	–	300 000	300 000	600 000
3.2	<b>3-бўлим бўйича жами</b>	<b>–</b>	<b>300 000</b>	<b>300 000</b>	<b>600 000</b>
<b>4</b>	<b>Моддий наф тарзидаги даромадлар (СКнинг 177-моддаси)</b>				
4.1	Қимматбаҳо совға (солиқ солинадиган қисми – 123 370 сўм)	–	700 000	–	700 000
4.2	<b>4-бўлим бўйича жами</b>	<b>–</b>	<b>700 000</b>	<b>–</b>	<b>700 000</b>
<b>5</b>	<b>Бошқа даромадлар (СКнинг 178-моддаси)</b>				
5.1	Моддий ёрдам (ЭКИХнинг 6 баравари)	576 630	–	–	576 630
5.2	<b>5-бўлим бўйича жами</b>	<b>576 630</b>	<b>–</b>	<b>–</b>	<b>576 630</b>
<b>6</b>	<b>Жисмоний шахсларнинг жами ҳисоблаб ёзилган даромади (2.4-банд + 3.2-банд + 4.2-банд + 5.2-банд)</b>				
		<b>3 956 630</b>	<b>4 300 000</b>	<b>4 600 000</b>	<b>12 856 630</b>
<b>7</b>	<b>ЖШДС бўйича имтиёзлар</b>				
7.1	Солиқ даврида ЭКИХнинг 12 бараваригача моддий ёрдам суммалари (СКнинг 179-моддаси 1-банди)	576 630	–	–	576 630
7.2	Юридик шахсдан солиқ даври мобайнида ЭКИХнинг 6 бараваригача бўлган қийматда ходимлар натура шаклида олган совғалар (СКнинг 179-моддаси 14-банди)	–	576 630	–	576 630
7.3	<b>7-бўлим бўйича жами</b>	<b>576 630</b>	<b>576 630</b>	<b>–</b>	<b>1 153 260</b>
<b>8</b>	<b>ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база, жами (6-банд – 7.3-банд), шу жумладан:</b>				
8.1	Энг кам ставкада солиқ солинадиган даромадларга доир ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (3.1-банд)	–	300 000	300 000	600 000
8.2	Белгиланган шкалада солиқ солинадиган даромадларга доир ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (8-банд – 8.1-банд)	3 380 000	3 423 370	4 300 000	11 103 370
<b>9</b>	<b>Сўғурта бадаллари ва ЯИТ бўйича солиқ солинадиган база (2.4-банд)</b>				
		<b>3 380 000</b>	<b>3 300 000</b>	<b>4 300 000</b>	<b>10 980 000</b>
<b>10</b>	<b>Ҳисоблаб ёзилган ЖШДС, жами (10.1-банд + 10.2-банд), шу жумладан:</b>				
10.1	Энг кам ставкада солиқ солинадиган даромадлардан (ижарадан даромадлар) ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (8.1-банд x 7,5%)	–	22 500	22 500	45 000
10.2	Белгиланган шкалада солиқ солинадиган даромадлардан	336 577	343 516	483 777	1 163 870

Т/р	Ҳисоблаб ёзишлар, ушланмалар, тўловлар	Ҳисобот даври ойлари			1 чорак учун жами
		январь	февраль	март	
	(8.2-банд) ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (шартли)				
11	ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган мажбурий бадаллар (2.4-банд + 4.1-банд – 7.2-банд) x 1%	33 800	34 234	43 000	111 034
12	ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган бадалларни чегирган ҳолда ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (10-банд – 11-банд)	302 777	331 782	463 277	1 097 836
13	Фуқароларнинг ҳисоблаб ёзилган суғурта бадаллари (9-банд x 6,5%)	219 700	214 500	279 500	713 700
14	Ҳисоблаб ёзилган ЯИТ (9-банд x 25%)	845 000	825 000	1 075 000	2 745 000
15	<b>ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНИШИ КЕРАК</b>				
15.1	Жисмоний шахснинг даромади ҳисобланувчи тўловлар (СКнинг 172–178-моддалари) (6-банд – 10-банд – 13-банд)	3 400 353	3 719 484	3 814 223	10 934 060
15.2	Жисмоний шахснинг даромади ҳисобланмайдиган тўловлар (1.2-банд)*	192 210	192 210	192 210	576 630
16	<b>ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР</b>				
16.1	Жами тўланган, шу жумладан:	5 273 088	3 400 353	3 719 484	12 392 925
16.2	Пул маблағлари воситасида тўланган тўловлар:	5 273 088	3 250 353	2 869 484	11 392 925
	иш ҳақи тўлаш учун нақд пул маблағлари билан	2 636 544	1 411 426	1 295 992	5 343 962
	пластик карточкаларга ўтказилган суммалар	2 636 544	1 561 427	1 295 992	5 493 963
	Ўтказилган ижара ҳақи	–	277 500	277 500	555 000
16.3	Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушланмалар ва ҳисоблаб ўтказишлар (кредитни сўндириш ҳисобига иш ҳақининг бир қисми)	–	150 000	150 000	300 000
16.4	Натура шаклидаги тўлов (совға)	–	–	700 000**	700 000

\*СКнинг 171-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган тўловлар Маълумотлар ва расшифровкаларда акс эттирилмайди.

\*\*Моддий наф қўринишидаги даромадни, мазкур ҳолатда совгани ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳисобот Маълумотларига 1-иловада мазкур даромадлар ҳисоблаб ёзилган (тўланган) ой учун ҳисоблаб ёзилган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бир вақтда кўрсатилади.

<i>Операция</i>	<i>Ўтказиш санаси</i>	<i>Сумма (сўм)</i>
<b>Январь ойида:</b>		
2013 йил декабрь ойи учун ЖШДС ўтказилди		610 812
ЖШДС ҳисобидан ШЖБПХга бадаллар ўтказилди	4 январь	55 300
Декабрь ойи учун суғурта бадаллари ўтказилди		340 800
Декабрь ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга ўтказилди	7 январь	2 636 544
Иш ҳақи тўлаш учун нақд пул маблағлари олинди	8 январь	1 436 544
Январь ойи учун бўнак берилди	18 январь	1 200 000
Январь ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)		3 956 630
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда ЖШДС ушланди (2-жадвалнинг 12-банди)	31 январь	302 777
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушланди (2-жадвалнинг 11-банди)		33 800
Суғурта бадаллари (6,5%) ушланди (2-жадвалнинг 13-банди)		219 700
<b>Февраль ойида:</b>		
Январь ойи учун ЖШДС ўтказилди		302 777
ЖШДС ҳисобидан ШЖБПХга бадаллар ўтказилди	4 февраль	33 800
Январь ойи учун суғурта бадаллари ўтказилди		219 700
Январь ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга ўтказилди		1 561 427
Январь ойи учун иш ҳақи тўлашга нақд пул маблағлари олинди		211 426
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ҳисоблаб ўтказилди	5 февраль	277 500
Кредитни сўндириш ҳисобига иш ҳақининг бир қисми ҳисоблаб ўтказилди		150 000
Бўнак берилди	18 февраль	1 200 000
Ходим юбилейига совға берилди		700 000
Февраль ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)		4 300 000
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда ЖШДС ушланди (2-жадвалнинг 12-банди)	28 февраль	331 782
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушланди (2-жадвалнинг 11-банди)		34 234
Суғурта бадаллари ушланди (2-жадвалнинг 13-банди)		214 500
<b>Март ойида:</b>		
Февраль ойи учун ЖШДС ўтказилди		331 782
ЖШДС ҳисобига ШЖБПХга бадаллар ўтказилди	3 март	34 234
Февраль ойи учун суғурта бадаллари (6,5%) ўтказилди		214 500
Февраль ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга ўтказилди		1 295 992
Февраль ойи учун иш ҳақи тўлашга нақд пул маблағлари олинди	4 март	95 992
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилди		277 500
Кредитни сўндириш ҳисобига иш ҳақининг бир қисми ҳисоблаб ўтказилди		150 000
Бўнак берилди	18 март	1 200 000
Март ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)		4 600 000
ШЖБПХ чегирилган ҳолда ЖШДС ушланди (2-жадвалнинг 12-банди)	31 март	463 277
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушланди (2-жадвалнинг 11-банди)		43 000
Суғурта бадаллари ушланди (2-жадвалнинг 13-банди)		279 500

<i>Т/р</i>	<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>январь</i>	<i>февраль</i>	<i>март</i>
1	ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда инобатга олинадиган ходимлар сони, шу жумладан ўриндош ходим	5	5	5
2	Барча ходимлар амалда ишлаган кунлар	110	100	100
3	МАИМҚВ тасдиқлаган иш вақти тақвимига кўра иш кунлари сони	22	20	20
4	Президентнинг 2.12.2013 йилдаги ПФ-4582-сон Фармони билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори	96 105	96 105	96 105
5	ЯИТнинг энг кам миқдори (2-банд / 3-банд x 4-банд)	480 525	480 525	480 525
6	Ҳисоблаб ёзилган ЯИТ (2-жадвал 14-банди маълумотларига кўра)	845 000	825 000	1 075 000
7	ЯИТнинг қўшимча ҳисобланиши (5-банд – 6-банд)*	0	0	0

\*Агар ҳисоб-китоб ойида ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси (6-банд) ЯИТнинг энг кам миқдоридан (5-банд) кўп ёки унга тенг бўлса, қўшимча ҳисоблаш амалга оширилмайди.

**ҲИСОБЛАНГАН ВА АМАЛДА ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР СУММАЛАРИ ҲАМДА  
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИНИНГ УШЛАБ  
ҚОЛИНГАН СУММАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
МАЪЛУМОТЛАР**

(йил бошидан ортиб борувчи якун билан тўлдирилади)

(сўмда)

<i>Т/р</i>	<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>Сатр</i>	<i>Тўловчининг маълумотларига кўра</i>
<b>1</b>	<b>Йил бошидан даромадлар олган жисмоний шахслар сони, жами (киши)</b>	001	<b>6</b>
	шу жумладан:		
	асосий иш жойидан	002	5
	асосий бўлмаган иш жойидан	003	1
<b>2</b>	<b>Ҳисоблаб ёзилган даромадларнинг умумий суммаси</b>	004	<b>12 856 630</b>
2.1	улардан солиқ агенти билан меҳнат муносабатларида бўлмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига асосан жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ ушланмаган моддий наф тарзидаги даромадлар	005	0
<b>3</b>	<b>Солиқ солишдан озод қилинадиган даромадларнинг умумий суммаси</b>	006	<b>1 153 260</b>
<b>4</b>	<b>Солиқ солинадиган даромадларнинг умумий суммаси (солиқ солинадиган база), улардан: (004-сатр – 005-сатр – 006-сатр)</b>	007	<b>11 703 370</b>
4.1	шкала бўйича солиқ солинадиган даромадлар	008	11 103 370
4.2	дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадлар	009	0
4.3	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкасида солиқ солинадиган даромадлар	010	600 000
4.4	жисмоний шахснинг аризасига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкасида солиқ солинадиган даромадлар	011	0
<b>5</b>	<b>Бюджетга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси, улардан: (1-илова 5-устунининг «Йил бошидан жами» сатри + 014-сатр)</b>	012	<b>1 097 836</b>
5.1	008-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	013	1 052 836
5.2	009-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича (2-илова 3-устунининг «Йил бошидан жами» сатри)	014	0

5.3	010-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	015	45 000
5.4	011-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	016	0
<b>6</b>	<b>ШЖБПҲга ҳисобланган бадалларнинг умумий суммаси</b> (1-илова 4-устунининг «Йил бошидан жами» сатри)	017	111 034
<b>7</b>	<b>Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва фуқароларнинг суғурта бадалларини чегирган ҳолда ҳисоблаб ёзилган даромадларнинг умумий суммаси</b> (004-сатр – 012-сатр – 017-сатр – ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммаси)	018	10 934 060
<b>8</b>	<b>Жисмоний шахсларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси</b> (1-илова 6-устунининг «Йил бошидан жами» сатри + 2-илова 5-устунининг «Йил бошидан жами» сатри)	019	12 392 925
<b>9</b>	<b>Бюджетга тўланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг умумий суммаси</b> (1-илова 12-устунининг «Йил бошидан жами» сатри + 2-илова 8-устунининг «Йил бошидан жами» сатри)	020	1 245 371
<b>10</b>	<b>ШЖБПҲга тўланган бадалларнинг умумий суммаси</b> (1-илова 11-устунининг «Йил бошидан жами» сатри)	021	123 334

**ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА  
ФУҚАРОЛАРНИНГ СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ягона ижтимоий тўлов			Бюджетдан таш- қари Пенсия жам- ғармасига фуқаро- ларнинг суғурта бадаллари
		Жами	шу жумладан:		
			умумбелги- ланган ставкада	имтиёзли ставкада*	
1	2	3	4	5	6
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ( <i>Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси</i> )	010	10 980 000	10 980 000	0	10 980 000
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатишга доир шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси норезиденти – юридик шахсга тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари (**)	011	0	0	х	х
Куйидагилар ҳисобланмайдиган тўловлар тури: ягона ижтимоий тўлов (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри) фуқароларнинг суғурта бадаллари (Ҳисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри)	020	0	0	0	0
Куйидаги даврлар охиридаги солиқ солинадиган база: (010-сатр + 011-сатр – 020-сатр)	030	10 980 000	10 980 000	0	10 980 000
чоракнинг биринчи ойи	0301	3 380 000	3 380 000	0	3 380 000
чоракнинг иккинчи ойи	0302	6 680 000	6 680 000	0	6 680 000
чоракнинг учинчи ойи	0303	10 980 000	10 980 000	0	10 980 000
Ижтимоий жамғармаларга мажбурий	040	х	25	–	6,5



тўловлар ставкаси, %					
Қуйидаги даврлар охиридаги ижтимоий жамғармаларга ҳисобланган мажбурий тўловлар суммаси: (030-сатр x 040-сатр)	050	2 745 000	2 745 000	0	713 700
чоракнинг биринчи ойи	0501	845 000	845 000	0	219 700
чоракнинг иккинчи ойи	0502	1 670 000	1 670 000	0	434 200
чоракнинг учинчи ойи	0503	2 745 000	2 745 000	0	713 700
Ҳисобот даври учун қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси, шу жумладан: (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 090-сатри)	060	0	0	х	х
чоракнинг биринчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0901-сатри)	0601	0	0	х	х
чоракнинг иккинчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0902-сатри)	0602	0	0	х	х
чоракнинг учинчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-илованинг 0903-сатри)	0603	0	0	х	х
Ҳисобот даври учун тўланади, шу жумладан: (050-сатр + 060-сатр)	070	2 745 000	2 745 000	0	713 700
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр + 0601-сатр)	0701	845 000	845 000	0	219 700
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр + 0602-сатр)	0702	1 670 000	1 670 000	0	434 200
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр + 0603-сатр)	0703	2 745 000	2 745 000	0	713 700

**Изоҳлар:**

*\*Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидадан фойдаланувчи юридик шахслар имтиёзли ставкани қўллаганда тўлдирилади.*

*\*\*«011» сатрида тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси кўрсатилади, бироқ у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни тақдим этиш хизматларини кўрсатишга доир шартнома бўйича харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаслиги керак.*

Мисолдаги маълумотларга кўра, ҳисобот чорагида ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисобланмаган тўловлар амалга оширилмаган. Шунинг учун ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобига 1 ва 2-иловалар тўлдирилмайди. Бундай тўловлар мавжуд бўлган тақдирда солиқ тўловчилар ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китоби билан бирга 1 ва 2-иловаларни тўлдиришлари ва топширишлари керак бўлади.

Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига  
фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китобига  
3-ИЛОВА

**ЯИТнинг ЭНГ КАМ МИҚДОРИ МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ**

<i>Қўрсаткичлар</i>	<i>Сатр коди</i>	<i>Сумма</i>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда инобатга олинмаган ходимлар сони:	010	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	5
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	5
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	5
Барча ходимлар амалда ишлаган кунлар:	020	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	110
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	100
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	100
Ҳисобот давридаги иш кунлари сони:	030	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	22
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	20
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	20
ЯИТ нормативи:	040	x
чоракнинг биринчи ойи учун	0401	96 105
чоракнинг иккинчи ойи учун	0402	96 105
чоракнинг учинчи ойи учун	0403	96 105
ЯИТнинг энг кам миқдори (0501-сатр + 0502-сатр + 0503-сатр):	050	1 441 575
чоракнинг биринчи ойи учун (0201-сатр / 0301-сатр x 0401-сатр)	0501	480 525
чоракнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр / 0302-сатр x 0402-сатр)	0502	480 525
чоракнинг учинчи ойи учун (0203-сатр / 0303-сатр x 0403-сатр)	0503	480 525
Ҳисобот даври учун ҳисобланган ЯИТ суммаси, шу жумладан (0601-сатр + 0602-сатр + 0603-сатр):	060	2 745 000
чоракнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобларининг 0501-сатри 4-устуни – аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 050-сатри 4-устуни)	0601	845 000

чоракнинг иккинчи оyi учун (хисобот даври учун ЯИТ ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби 0502-сатри 4-устуни – ҳисобот даври учун ЯИТ ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби 0501-сатри 4-устуни)	0602	825 000
чоракнинг учинчи оyi учун (хисобот даври учун ЯИТ ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби 0503-сатри 4-устуни – ҳисобот даври учун ЯИТ ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китоби 0502-сатри 4-устуни)	0603	1 075 000
Ҳисобот даври учун қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси (0701-сатр + 0702-сатр + 0703-сатр):	070	0
чоракнинг биринчи оyi учун (0501-сатр – 0601-сатр)	0701*	0
чоракнинг иккинчи оyi учун (0502-сатр – 0602-сатр)	0702*	0
чоракнинг учинчи оyi учун (0503-сатр – 0603-сатр)	0703*	0
Ўтган ҳисобот даври охиридаги қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг 090-сатри)	080	0
Ҳисобот чораги охирида қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси, шу жумладан: (070-сатр + 080-сатр)	090	0
I ой (0701-сатр + 080-сатр)	0901	0
II ой (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	0
III ой (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	0